

63.3
M93

Илмию
Оммаб
Рисолај



ТАРИХ

А. Мухаммаджонов

Қадимги Бухоро





А. МУҲАММАДЖОНОВ

ҚАДИМГИ
БУХОРО

(Археологик лавҳалар ва тарих)

Масъул мұхаррир
ФА академиги А. АСҚАРОВ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН
«ФАН» НАШРӢЕТИ

ДАNLAR АКАДЕМИЯСИ

Бук. тип. № ЛП
БИЛДИРИМ

Будар шаҳрининг 2300 йилнингга бағишиланган ушбу рисолада археологик маълумотлар ва ёзма манбалар асосида Зарафшон водийсининг қўйи қисмида қад кўтарган Урта Осиёning энг қадимги шаҳарларидан бири — Бухоронинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш тарихи ҳикоя қилинади. Бу ўлкада шаҳар маданиятининг шаклланиши, қадимги Бухоро ўрнида дастлабки пайдо бўлган деҳқончилик ва ҳунармандчilik қишлоқлари ва уларнинг туташиб ягона шаҳарга айланиши ҳамда или шаҳарларнинг тарихий топографияси тасвирланади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:
тарих фанлари доктори К. ШОНИЕЗОВ,
тарих фанлари номзоди Ж. МИРЗААҲМЕДОВ

M 0574000000—500
M 355 (4)—J1 267—91 © Узбекистон
ФА «Фан» нашриети,

ISBN 5—648—01075—3

Абдулаҳад Мухамеджанов

ДРЕВНЯЯ БУХАРА

*На узбекском языке
Ташкент, «Фан»*

Узбекистон
томонида

лмид-оммабон адабиётлар таҳрир ҳадъати
расдиқланган

Муҳаррир X. Зарилова
Бадний муҳаррир А. Баҳромов
Техмуҳаррир Н. Абдурахмонова
Мусаҳид M. Ҳудойназаров

ИБ № 5421

Теришга берилди 29.03.91. Босишига ружсат этилди 02.07.91. Формати 84×108^{1/2}—м.
Босмалари қозози № 1. Алабий гарнитура. Юкори босма. Шартли босма
т. 2—3. Соб-нашиёт т. 2,6. 7300 нусха. Буюртма 114. Баҳоси I а.

«Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, Гоголь иёчаси, 70.
А «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170, Тошкент, М. Горький шоқчаси, 79.

МУҚАДДИМА

Бухоро—асрлар давомида улкан Шарқнинг илму маърифат ва маданият марказларидан бирин сифатида жаҳонга донги кетган қадимий шаҳар. У үтмишда савдо-сотиқ, маданий алоқалар жиҳатидан Марказий Осиёнинг машҳур Балҳ, Ҳирот, Марв (Марни), Самарқанд, Термиз, Насаф (Қарши), Чоч—Шош (Тошкент) ва Хоразм (Хива) шаҳарлари қаторидан жой олади.

Ўрта асрларда Бухоро Мовароунаҳрининг йирик савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва, маъмурӣ марказларидан булиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Ҳиндистон ва Хитой билан боғлаган қадимий хақаро савдо иули—«Буюк ипак иули» ана шу шаҳар орқали утган. Машҳур жаҳонгирларнинг зафарли юришларида ҳарб йули сифатида ҳам хизмат қилган бу қадимги карvonи йули үтмишда «Олтин йўл», «Шоҳ роҳ», яъни «Шоҳ иули» номлари билан ҳам шухрат топган.

Бу даврда Бухоро Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда илм-фан, маърифат ва маданиятининг марказларидан бирига айланиб, мазкур шаҳарда диний ва дунёвий илмлар (табобат, фиқҳ, тарих, фаровиз, риёзиёт, ҳандаса ва ҳоказо) ривож топган. Бу ерда ўз даврининг машҳур мутафаккир олим ва адиблари Исмоил Бухорий, Абу Али ибн Сино, Наршахий, Рудакий, Дақиқий, Хўжа Боҳовуддин Нақшбандий ва бошқалар яшаб ижод этгандар. Турли даврларда бино қилинган ўилаб мадрасаларда минглаб талабалар илм олган. XV асрда Мирзо Улуғбек томонидан Бухорода қурдирилган мадраса дарвозасига ҳатто арабча «Илм олиш ҳар бир мусулмон аёлу эркакларнинг бурчидир» деган сўзлар ўйнб битилган.

Асрлар давомида Бухоронинг донги бутун Шарқ бўйлаб фақат илму маърифат, маданият ҳамда савдо-сотиқ соҳасидагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг йири. маъ-

Бухоро шаҳрининг 2300 йиллигига багишланган ушбу рисола-да археологик маълумотлар ва ёзма манбалар асосида Зарафшон водийсининг қуйи қисмида қад кўтарган Урта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири — Бухоронинг пайдо бўлиши ва унинг рвожланиш тарихи ҳикоя қилинади. Бу ўлкада шаҳар маданиятининг шаклланниши, қадимги Бухоро ўрнида дастлабки пайдо бўлган деҳ-қончилик ва ҳунармандчилик қишлоқлари ва уларнинг туташиб яғен шаҳарга айланиши ҳамда илк шаҳарларнинг тарихий топографияси тасвириланади.

Рисола кенг китобхонлар оммаснга мўлжалланган.

Тақризчилар:
тарих фанлари доктори К. ШОНИЕЗОВ,
тарих фанлари номзоди Ж. МИРЗААҲМЕДОВ

М 0514(00000)-500
М 355 (-4)-11 267-91 © Узбекистон
ФА «Фан» нашриети,

ISBN 5-648-01075-3

Абдулаҳад Мухамеджанов

ДРЕВНЯЯ БУХАРА

На узбекском языке
Ташкент, «Фан»

Узбекистон
томонида
лмий-оммабоп адабиётлар таҳрир ҳадъати
расдиқланган

Муҳаррир X. Зарипова
Бадний муҳаррир А. Баҳромов
Техмуҳаррир Н. Абдураҳмонов
Мусаҳҳиҳ М. Ҳудойназаров

ИБ № 5421

Тернишга берилди 29.03.91. Босншга руҳсат этилди 02.07.91. Формати 84×108/16.
Восмиёнин козози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма
т. " " . Соб-нашриёт т. 2,6. 7300 нусха. Буюртма 114. Баҳоси I в.

«Фан» нашриётини: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
А «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170. Тошкент, М. Горький шоқчаси, 79.

МУҚАДДИМА

Бухоро—асрлар давомида улкан Шарқнинг илму маърифат ва маданият марказларидан бири сифатида жаҳонга донғи кетган қадимий шаҳар. У ўтмишда савдо-сотиқ, маданий алоқалар жиҳатидан Марказий Осиенинг машҳур Балҳ, Ҳирот, Марв (Марий), Самарқанд, Термиз, Насаф (Қарши), Чоч—Шош (Тошкент) ва Ҳоразм (Хива) шаҳарлари қаторидан жой олади.

Ўрта асрларда Бухоро Мовароунаҳрининг йирик савдо-сотиқ, хунармандчилик ва, маъмурин марказларидан бири булиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Ҳиндистон ва Хитой билан боғлаган қадимий ҳалиқаро савдо йўли—«Буюк ипак пўли» ана шу шаҳар орқали утган. Машҳур жаҳонгирларнинг зафарли юришларида ҳарб йўли сифатида ҳам хизмат қилган бу қадимги карvon йўли ўтмишда «Олтин йўл», «Шоҳ роҳ», яъни «Шоҳ йўли» номлари билан ҳам шуҳрат топган.

Бу даврда Бухоро Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда илм-фан, маърифат ва маданиятнинг марказларидан бирига айланиб, мазкур шаҳарда диний ва дунёвий илмлар (табобат, фиқҳ, тарих, фаровиз, риёзиёт, ҳандаса ва ҳоказо) ривож топган. Бу ерда ўз даврининг машҳур мутафаккир олим ва адиллари Исмоил Бухорий, Абу Али ибн Сино, Наршахий, Рудакий, Дақиқий, Хужа Боҳовуддин Нақшбандий ва бошқалар яшаб ижод этганлар. Турли даврларда бино қилинган ўнлаб мадрасаларда минглаб талабалар илм олган. XV асрда Мирзо Улуғбек томонидан Бухорода қурдирилган мадрасаса дарвозасига ҳатто арабча «Илм олиш ҳар бир мусулмон аёлу эркакларнинг бурчидир» деган сўзлар ўйнб битилган.

Асрлар давомида Бухоронинг донғи бутун Шарқ буйлаб фақат илму маърифат, маданият ҳамда савдо-сотиқ соҳасидагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг йири маъ-

мурий маркази сифатида ҳам таралиб келган. Тарихда бу шаҳар Қўйи Зарафшон ўлкасининг қадимги ҳокими-лари—Бухорхудотлар (IV—VIII аср), Сомонийлар давлати (IX—X аср), Шайбонийлар хонадони томонидан барпо этилган Ўзбеклар давлати — Бухоро хонлиги (XVI аср), Аштархонийлар (XVII—XVIII аср), Мангитлар (XIX—XX аср боши) томонидан идора этилган Бухоро амрлиги ҳамда Бухоро Ҳалқ Республикаси (1920—1924 йил)нинг пойтахти бўлган.

Уз тарихи жараёнида Бухоро Ўрта Осиёда қад кутарган кўпгина шаҳарлар сингари бир неча бор ташки душман ҳужумига бардош берган истилочнлар асоратига тушиб, қонли жанглар майдонига ва озодлик қўзғолонлари марказига айланган. Инқирозга юз тутиб, вайрон бўлган, бироқ ўз жойидан бир қарич ҳам силжимай кайта-қайта тикланиб обод бўлган.

Бухоро утмиши гарчи тарихий ва тадрижий воқеаларга инхоятда бой ва қизиқарли бўлса-да, аммо унинг зарварақларининг кўпгина саҳифалари бизгача тўлиқ сақланмаган. Айниқса унинг узоқ ўтмиши ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда мутлақо учрамайди. Бухоро тўғрисидаги дастлабки маълумотлар қадимги Юнон ва Рим муаллифларининг асарларида тилга олинса-да, бироқ уларда асосан шаҳар ҳақида эмас, балки улкан Суғднинг Фарбий чекка ўлкаси хусусида сўз юритилган. Бу шаҳарнинг қисқача бўлса-да, аниқроқ тасвири илк ўрта аср Хитой манбаларида келтирилади.

Улкан кўхна Шарқнинг илм-фан ва маърифат бобида узининг қушган салмоқли ҳиссаси туфайли илк ўрта асрлардаёт «Қўббатул ислом», «Бухоро шариф» каби сифатлар билан мусулмон оламида шуҳрат топган бу кўхна шаҳарнинг ёши яқин-яқин кунларгача «сир» булиб келди. Бизнинг давримизга қадар аниқ маълумотларнинг етиб келмагани сабабли муаррихлар Бухоро шаҳрининг ёши ҳақида бирор қатъий фикрни айтмасаларда, бухороликлар Муҳаммад Наршахийнинг айрим ривоятларини асос қилиб олиб, бу ерга келган саёҳатчиларга: «Шаҳримиз уч минг йилдан зиёд тарихга эга», деган маълумотни уқтириб келишди.

«Бухоро шаҳрнинг ёши нечада?» деган жумбоқни ечиш учун кенг кўламда тадқиқотлар олиб бориш, бевосита шаҳар ҳудудининг ўзида археологик қазншмалар ўтказиш лозим эди. Чунки илк бор қад кутарган жойидан бир неча бор силжиган Самарқанд, Тошкент ва Қарши шаҳарларидан фарқли ўлароқ, Бухоро гарчи

жамики тақдирний фалокатлар ва тарихий фожиаларни бошидан кечириб, ҳатто 1220 йилда Чингизхон қүшинлари томонидан батамом ер билан яксон қилиб ташланган бўлса-да, аммо маълум муддатдан сўнг қайта-қайта қаддини ростлайверган. Шаҳарнинг мана шундай қисмати оқибатида унинг остида қалин маданий қатлам ҳосил бўлган. Асрлар оша унинг бағрида сақланиб келаётган бу қатлам моддий-маданият қолдиқлари эса тадқиқотчилар учун Бухоронинг узоқ ўтмишини ёритиб, унинг ёши ҳақидаги муаммони ечиб берадиган жуда бой ва ягона тарихий манбага айланган.

Бу тарихий шаҳар рўйизамини остидаги маданий қатламларни кавлаб очиб, унинг қадимий моддий-маданият изларини ўрганишга бўлган қизиқиш тадқиқотчилар уртасида қанчалик ортиб бормасин, аммо унинг остки қатламларини қазиб тадқиқ этишга ҳар ким ҳам мұяссар бўлавермади.



Археологик қазиши. Мирааб мадрасаси яқинида. 1977 й.

Аввало Бухоронинг қадимги қисми ҳисобланган эски маҳаллаларда жойлашган зич ҳовли-жойлар ва тарихий обидалар кенг кўламда археологик қазишиларни амалга ошириш учун имкон бермади. Қолаверса қазиб очилган ерлардаги ер ости сизот сувларининг отилиб чиқиши унинг остки қатламларини кавлаб очиш учун тўсқинлик қилди. X

Бухорода дастлабки олиб борилган археологик тадқиқотлар 30-йиллардаёқ бошланган эди, ўша пайтдаги

қазишиш ишлари шаҳардаги айрим монументал мөъморий обидаларни тадқиқ қилиш, уларни таъмир этиш билан боғлиқ эди. Уша вақтларда Мағоки Атторий масжиди яқинида қазишмалар олиб борган тадқиқотчи В. А. Шишкун ҳам, сунгра 50-йилларда Миноран Калон пойдеворини қазиб очган археолог С. Н. Юрненев ҳам ер ости сувларини булоқдек қайнаб чиқиши оқибатида шаҳарниң қадимги саҳнигача кавлаб ета олмаганлар.



Академик Я. Фуломов археологик қазишима иштирокчилари даврасида, 1974 й.

60-йилларнинг охирига келиб академик Я. Фуломов раҳбарлигига маҳсус археологик экспедиция ташкил этилди, у Бухоро шаҳри ҳудудида ҳам кўп йилларга мўлжалланган мунтазам археологик қазиш ишларини ўюштирди. Даставвал 1970—1974 йилларда, сунгра 1977—1980 йилларда Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги бир неча жойда кенг куламда археологик қазишмалар ўтказилди. Бу вақтда замонавий техника восита-лари билан қуролланган археологлар гуруҳи янги усул ишлаб чиқишиди. Эндиликда, одатдагидек майдада қудуқлар эмас, аксинча катта ер майдонларида сурункасига қазишмалар амалга ошириладиган бўлди. Аҳоли зич жойлашган бугунги Бухорода қазишмалар учун очиқ майдонлар излаб топиш ҳам осон кўчмади. Ниҳоят, сайёҳларга ҳам яхши таниш булган обидалар—«Зиндан» музей-қўриқхона, Масжиди Калон ва Мирараб мадрасаси, Тоқи Заргарон ва Абдуллахон тими уртасида жойлашган майдонлар, 11-13 га тенг қадимий

Шаҳристон ҳамда Аркниң ялангликтан иборат шарқий қиисми маъқул топилди.

Бу участкаларда юғори аралаш қатламлар экскаваторлар ёрдамида, остикни эса фақат белкурак ва кетмонлар воситасида қарийб 20 метр чуқурликда бир неча улкан хандақлар қазилди, сизиб чиққан ер ости сувлари насослар ёрдамида сўриб олинди. Хандақларининг лаблари айрим участкаларда ўпиртилиб, минглаб тоинна тупроқ қазишма майдонларини босиб қолишига қарамай, деярли ҳамма қазишма участкаларида Бухоронинг ботқоқлик устида ҳосил бўлган қадимги руйнзамиинини қазиб очишга эришилди. Унинг бу она тупроғи устида асрлар давомида баъзи жойларида 14 метр, баъзи участкаларида эса 20 метр қалинликда маданий қатлам вужудга келгани аниқланди. Уидан топилган хилмажил археологик топилмалар шахар ҳаётининг турли тарихий даврларига мансуб бўлиб, улар шаҳарининг пайдо бўлишидан то асримизнинг бошларига қадар бўлган тадрижий тараққиётни намойиш этди.



Тоқи Заргарон яқинида. 1974 й.

Бухоро ва унинг вилояти бўйлаб археологик обидаларни тадқиқ этишда Я. Ф. Ўуломов, В. А. Шишкін, А. Асқаров, У. Исломов, М. Р. Қосимов, И. Аҳроров, Т. Мирсоатов, О. В. Обельченко, С. К. Кабанов, В. Д. Жуков, Г. В. Шишкіна, Х. Дуке, Ж. Қ. Мирзааҳмедов, П. Валиев, Г. Дадабоев, У. Олимов, Ш. Т. Одилов, Г. Л. Семенов сингарни олимларимизнинг ҳиссаси айниқса катта бўлди. Улар томонидан йиллар давомида муттасил олиб борилган археологик тадқиқотлар ўз самарасини берди, албатта. Улканинг қадимги табиати, аҳолиси ва унинг яратган ўзига хос маданияти ўзлаштирилиб, обод этилиши ҳамда унда ибтидоий чорвачилик ва деҳқончиллик хўжаликларининг шаклланиши, шунингдек катта-кичин қишлоқ ва шахарларининг пайдо булиши тарихига онд бой маълумотлар тупланди. Шубҳасиз, бу маълумотлар Бухоро шаҳрининг пайдо булиши тарихинингни вужудга келиши ва унинг ўзига хос хусусиятларни үрганишда ҳам асосий манба бўлиб хизмат қиласи.

АМУДАРЁГА ҚУИИЛГАН ҚАДИМИИ ЗАРАФШОН

Қадимда Мисрни «Нилнинг ҳадяси» деганларидек, Бухоро воҳасини ҳам Зарафшон дарёсининг инъоми деса бўлади Чунки дарё адоғида жойлашган бу ўлканинг ўзи, авваламбор, Зарафшоннинг минг йиллар давомида оқизиб келган лойқа ётқизиқлари туфайли вужудга келган. Унинг тошқинларидан ҳосил бўлган сон-саноқсиз ирмоқлар, кўл ва кўлмаклар эса воҳа табиатининг шаклланиши ва унинг ўзлаштирилиб обод этилнишида ҳаётбахш роль уйнаган.

Маълумки, музликлар даври тугаб, об-ҳаво илий бошлагач, Туркистон, Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмаларининг кифтини қоплаб ётган қалин музликлар, абадий қорликлар эриб, улардан ҳосил бўлган улкан тошқинлар Зарафшон дарёси бўйлаб инҳоятда ҳайқириб оққан. Унинг уша замонлардаги ҳайқирган тошқинлари, шубҳасиз афсоналарда тасвиrlанган «Нух тӯфони» ни эслатган. Уша замонларда Зарафшон ўз водийснда инҳоятда кенг майдон бўйлаб ёйилиб оққан. Унинг ўнг қирғоғи ҳозирги Самарқанд вилоятида Пайарнқ ва Хатирчи адирларини, сўл қирғоғи эса Пастдарғом ва Каттақўргон қирларини ювиб ўтган. Бу катта оқимнинг бирор томчиси ҳам Зарафшон водийснинг юқори ва ўрта қисмларида на дехқончилик, на ободончилик учун сарф бўлмай, у ҳозирги Навоий шаҳри яқининда тор Хазора дарбандини ёрнib ўтиб, конуссимон Бухоро воҳасига оқиб кирган. Бухоро воҳасида у қадимги Хитфар (Вобкентдарё), Рудизар (Шаҳруд), Қоракўлдарё, Моҳондарё ва Тайқир каби бир нечта тармоқлар ҳосил қилиб, бутун воҳа бўйлаб ёйилиб оққан. Уша замонларда ҳозирги Бухоро вилоятининг водий қисми Зарафшоннинг тошқин сувларидан ҳосил бўлган кўл ва ботқоқликлардан иборат бўлиб, улар қалин бутазор, чакалакзор ва тўқайзорлар билан қопланган.

Бухоро воҳасининг бу қадимий табний манзараси X асрда яшаган вобкентлик тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарнда қўйидагича тасвирланади: «Ҳозирда Бухоро (урнашган) бу мавзе, (илгари) ботқоқлик булиб, унинг баъзи ерларини туқайзор, дарахтзор ва кўкаламзорлар ташкил этган, айрим жойлари эса шундай бўлганки, бирон ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган. Бунинг сабаби шуки Самарқанд томонидаги вилоятларда тоғларда қор эриб, суви (оқиб келиб) уша жойга йигилиб ётар эди.

Самарқанд томонида бир катта дарё борки, унинг «Руди Мосаф»—«Мосаф дарёси» деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йигилган, у бир талай ерларни ювиб, упирив, лойқаларни сурив келган ва натижада бу ботқоқликлар тўлиб қолган. Сув кўп оқиб кела берди, лойқаларни то Битик ва Фаробгача сурив келтира берди. Сунг сув (төшиб келиши) тұхтади, Бухоро үрнашган жой (аста-секин) тулиб, текис ерга айланди ва шундай қилиб у катта дарё Суғд ва бу (loyқалар билан) тўлган мавзе Бухоро булиб қолди¹.

Лйни уша замонларда хозирги Қоракул ва Олот иондиялари урнида улкан кўл булиб, унга бир томондан Қашқадарённинг, иккинчи томондан Қоракўлдарё орқали Зарафшон дарёсининг сувлари қишинн-ёзин муттасил қўйилиб турган. Урта аср ёзма манбаларнда бу кўл «Бухайрайи Сомжан» (яъни, Сомжан денизи), «Баҳр ул-Бухоро» (яъни, Бухоро денизи), «Боргини Фарроҳ»—«Кенг ҳавуз», «Мовозаи Бойканд», яъни Бойканд яқинидаги кўл каби бир нечта атамалар билан тилга олинади. Турклар уни «Денгиз» ёки «Қоракўл» деб юритишган. Бу кўлнинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 20 фарсанг, яъни 120—140 км га teng бўлган. Бухоро денизи ва Бойкандкўл номлари билан шуҳрат топган бу кўлнинг шимолий қирғоги Шибурдонота баландликларига туташган Замонбобо адирлнкларига, жанубий қирғоги Денгизкулнинг жануб соҳилларига, шарқий қирғоги Пойканд-Тайқир қирлари орқали Қарши даштига, ғарбий қирғоги эса Олот текисликлари орқали Урганижий даштига—Қизилқумга туташиб кетган. Муҳаммад Наршахийнинг ёзишича, бу кўл сув жоноворларига ниҳоятда бой булиб, бутун Ҳурросон музофотида бу ердагидек кўп миқдорда парранда ва балиқлар тутилмаган.

¹ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, 1966, 15-бет.

Голоцен даврида, яъни милоддан аввалги XII—X минг йилликда тектоник ҳаракатлар оқибатида Пойканд-Қоракўл массиви бирмунча кўтарилади. Зарафшоннинг хайқириб оқсан қадимий оқими Бухоро воҳасида дамланиб, ҳозирги Яқкатут яқинида Мохондарё ва Гужайли ўзанлари бўйлаб Қизилқумнинг ичкарисига томон уриб кетади. Бу икки қадимий ўзан бўйлаб у Чуқуркўл, Мохонкўл, Уртакўл, Чандиркўл, Замонбобо, Кичиктуззон, Каттатуззон, Лўхли, Оғачуюқ, Қандирли, Қайнқли, Курбонбой, Раҳматбобо, Кичикпорсон, Каттапорсон ва Эчкиқирои каби бирқанча кўллар занжирини ҳосил қиласди. Сунгра 150 км масофада бутун Урганжий даштни кесиб ўтиб, Оқрабод ва Наргизқалъа деган жойларда Амударёга бориб қуйилади. Қадимда Зарафшонни Амударё билан туташтирган Мохондарёнинг сувсизликдан кейинчалик қурнб қолган кўхна ўзанлари ҳозирги вақтда тамоман қуруқ ва усти пўрсиқ шўр ҳамда атрофи юлгун босган кўллар орасида деярли билинмай кетган бўлса-да, аммо чўл бағрида, хусусан, барҳанлар остида жуда яхши, сақланган. Баъзи жойларда унинг кенглигига 30, чуқурлиги эса 1,5—2 метрга боради. Мохондарёнинг ўзанларидан бирни Амударёning ўнг қирғоғига жойлашган XI—XII аср ёдгорлиги Наргизқалъа яқинида тўртта арнага ажралиб, дельта ҳосил қиласди ва чуқур ҳамда кенг жарликлар орқали Амударёга бориб туташади. Жарликларни маҳаллий аҳоли «сувлот» деб атайди. Улардан биринчи Оҳурсувлот, иккинчиси Жилғиндинсувлот ёки Юлғунлисувлот, учинчиси Шўрсувлот ёки Ойхонсувлот, тўртнинчиси Сувлисувлот ёки Дигисувлот номлари билан машҳур. Бу сувлотларнинг эни 75—125, чуқурлиги эса 15—20 метрга тенг.

Мохондарёнинг яна бир ўзани Наргизқалъадан 18 км жануби-шарқда жойлашган Оқрабод мавзеи яқинида Шурёток, Сарибой, Поянда, Қумсувлот ва Жарсувлот каби бешта тармоққа бўлиниб, у ҳам Амударёга бирлашади.

Шубҳасиз, Мохондарёнинг кучли оқимлари натижасида Амударёning баланд ва мустаҳкам қирғоқлари ювилиб ҳосил бўлган бундай чуқур ва кенг жарликлар қачонлардир узоқ ўтмишда Зарафшон сувларининг Жайхунга томон қанчалик шиддат билан оқсанлигидан гувоҳлик берибгина қолмасдан, балки бу икки дарё алоқаларининг қадимги нишони—осорул атиқасига айланган.

ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОДИЙСИДА ИБТИДОИЯ МАДАНИЯТ ИЗЛАРИ

Кейинги 35—40 йил давомида Зарафшон водийсида, хусусан унинг қуийи қисмида кенг куламда олиб борилган археологик тадқиқотлардан мъълум бўлишича, бу ўлка ва уни тўрт томондан үраб турган даштликнинг табиий-географик шаронти қадим замонлардан бошлибоқ ибтидой одам тўдаларининг яшаши учун жуда қулагай бўлган. Топилиб текширилган тош асри ёдгорликлари, қайд этилган сон-саноқсиз тош қуроллардан иборат топилмаларининг географияси шуни кўрсатадики, узоқ утмишда одамлар асосан тоғ ён бағирларни, сойжарликлар ёқалари ҳамда тоғ этакларида, ер қобиғининг тектоник ёргиларидан қайнаб чиққан булоқлар атрофида яшаганлар. Чунки бундай жойларининг табиати, хусусан ҳайвонот дунёси инчоятда бой бўлиб, овқилиш учун қулай бўлган. Қазиб ўрганилган ўрта палеолит (урта тош асри) ёдгорликларининг маданий қатламларида қайд этилган турли хил ёввойи ҳайвони суклари қолдиқларига қараганда уша даврларда Зарафшон водийсида фил, қўнғир айиқ, сиртлон (гиена), ёввойи буқа, булон (буғу), қулон (ёввойи эшак), тоғ эчкиси, осине муфлони (архар) сингари турли хил ов ҳайвонлари ҳамда турли-туман паррандалар яшаган. Шу сабабли бу ўлка тош асри ибтидой овчинларининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилган. Шунинг учун ҳам тош даврининг ибтидой маданият излари кўпроқ Бухоро воҳасининг шарқий томонида — Қоратоғ ва Зарафшон тизмаларининг этакларида топилиб ўрганилди. Водий бўйлаб қайд этилган Омонқутан, Гурдара, Самарқанд, Кутирбулоқ, Зираубулоқ, Учтут, Воуш, Ижонд ва бошқа урта палеолит даврининг маконлари бунинг ёрқин далилидир.

Зарафшон водийсининг тоғлиқ ноҳиялари ибтидой кишилар яшаши учун қулай овлоқ жойлар бўлибгина қолмасдан, балки уша даврининг тирикчилик воситаси — тош қуроллар ясашда асосий хом ашё манбани бўлиб ҳам ҳисобланган. Чунки тогнинг тошли қатламларидан чақмоқтош булаклари синдириб ёки ковлаб олиниб, улардан ҳар хил тош қуроллар ясашган. Тадқиқотчи X. Муҳамедов томонидан 1958 йилда Навоий шаҳридан 22—25 км шимоли-шарқда топилган, аввал М. Р. Қосимов, сўнгра Т. Мирсоатовлар томонидан ўр-

танилган Учтут Үрта палеолит даври макони ва тош қуроллар ясаш устахонаси тош даврининг нодир обидаларидан ҳисобланади. Ҳом ашё Қоратогнинг чақмоқ тошли ялангоч кифти ва ёнбағирларидан, даставвал тоғ тизмаларидан синдириб, сүнгра кавлаб олинига. Тоғ ёнбағри ва макон теварак атрофларида сочилиб ётган сон-саноқсиз чақмоқтош булаклари, ярим ишлов берилган хомаки ҳамда турли хил тош қуроллар қадимги кончи ва қуролсозларнинг меҳнат фаолияти изларидан далолат беради. Тош қуроллар орасида ҳар хил наизасимон, пичоқсимон тош парраклари, кесгич ва санҷқилар ҳамда куплаб тош учириндилари кузга ташланади. Қўнғир ва кулраиг чақмоқ тошлардан ясалган қуролларнинг аксарияти тошга ишлов бериш ва қурол ясаш техникаси жиҳатидан Зирабулоқ, Қутирбулоқ, Омонқутон каби мустъе даври маконларидан топилган тош қуролларга ухшаб кетади. Учтут ёдгорлиги даври жиҳатидан кўп қатламли бўлиб, остки қатламлари мустъе, юқори палеолит ва мезолит даврларига, устки қатламлари эса неолит — янги тош даврига мансубдир. Шундай қилиб, Зарафшон водийси бўйлаб топилиб тадқиқ этилган ўидан ортиқ тош аспи ёдгорликлари бу ўлкада одамлар қадим замонлардан бошлаб яшаб келганидан гувоҳлик беради.

Бухоро воҳасини шимол ва шимоли-шарқ томондан ураб турадиган Кулжӯқтов, Сувсизтов, Оқтоғ ва Қоратоғ ёнбағирларидан оқиб тушган катта-кичик сойларнинг қадимги қуруқ ўзанлари маҳаллий аҳоли уртасида Эчкиликкум, Даشت Урганжай комлари билан шуҳрат топган. Қизилқум бўйлаб ёғин-сочинилардан ҳосил бўлган сон-саноқсиз қоқлар² атрофида, шунингдек Вобкентдарё, Моҳондарё, Гужайли ва Гурдуш ўзанларининг қадимги дельталаридаги ёйилмаларнинг тақирлари устида ҳар томонга сочилиб ётган мезолит (милоддан аввалги XII—VII минг йиллик) ва неолит (милоддан аввалги V—III минг йиллик) даврларининг микролит (майда тош) қуролларига қараб фикр юритилса, Бухоро воҳасида мезолит ҳамда неолит даврларидан бошлаб ҳаёт анча гавжумлашган. Шуҳбасиз микролит қуроллар беҳад сочилиб ётган ерлар ибтидоий овчи ва балиқчи қабилалар яшаган макон ва манзилгоҳларнинг ўрни бўлиб, афусски бу узоқ ўтмиш ёдгорликларининг маданий қатламлари асрлар ўтиши

² Даشتларда қор ва ёмғир сувлари жилгасидан ҳосил бўлган кенг, лекин саез кўллар (халқоб).

билин шамол эрозияси натижасида смирилиб, күдна туаржойларнинг аксариятидан ному нишон қолмагац.

КАТТАТУЗКОННИНГ НЕОЛИТ ДАВРИ ОВЧИ ВА БАЛИҚЧИЛАРИ. ДАРВОЗАҚЫРЛЯКЛАР ЧАИЛАСИ

Маълумки, 50—60 йилларда Я. Фуломов раҳбарлигига маҳсус археологик отряд қачонлардир қадим замонларда Зарафшон сувларини Амударёга элинган Моҳондарё, Гужайли ва Гурдушларнинг қуриб қолган қадимги ўзанлари бўйлаб кенг кўламли археологик тадқиқотлар ўтказди. Ўша йилларда топилган қатор археологик ёдгорликлар орқали Зарафшон сувларининг ҳайқириб бу қуруқ ўзанлар бўйлаб Амударёга томон оққанлигини, сунгра аста-секин оқим сусайиб оқишидан тўхтаб қолганлиги ва ниҳоят сувсизликдан улар қуриб Амударё билан Зарафшоннинг қадимий алоқалари узилиб қолганлиги аниқланди. Шу билан бирга кўхна ўзанлар ҳавzasига милоддан аввалги V—III минг йилликларда овчи ва балиқчи қабилалар келиб ўрнашган ва улар яратган ўзига хос маданият излари топиб ўрганилди.

1960—1963 йиллар давомида Гужайли бўйлаб Кичинтузкон атрофида З жойда, Каттатузкон атрофида Зб, Моҳондарё бўйлаб Лўхлиқўл ва Эчкиқирон атрофларида 2 ҳамда Пойканднинг жанубида Қашқадарёнинг қадимги қуруқ ўзани бўйлаб 11 жойда неолит даврига мансуб ёдгорликларнинг қолдиқлари топилди ва текширилди³.

Қайд этилган ва қазиш ишлари олиб борилган қатор ёдгорликларнинг жойлашган ўринлари ва улардан топилган турли хил ашёвий топилмаларга қараганда, ҳозирги Қоракўл ноҳиясидаги Саёт қишлоқ ерлари («Октябрь» колхози, «Тошкент» ва «Пайкент» совхозлари жойлашган ҳудудлар) ҳамда Замонбободан шимолиғарб ва ғарбда Амударёгача туташиб кетган Гужайли ва Моҳондарё ҳавзалари (бу кенг майдон шарқда Замонбобо, Кичинтузкон ва Каттатузкон, шимолда Газов, Одилқудук, Учбош, Қурбонбой, Раҳматбобо ва Эчкиқирон, жанубда Каптарниқуми, гарбда Оқрабод, Наргизқалъя ва Ҳатар деган жойлар билан чегараланади) милоддан аввалги V—III минг йилликларда Зарафшон

³ Фуломов Я. F., Исломов У., Асқаров А. Ибтидоий маданият ва Зарафшон этакларида сугориладиган дехқончиликнинг вужудга келиши. Тошкент, 1966, 61—62-бетлар.

водийси күйи оқимидағи энг хушманзара ва гавжум жойлардан булган. Ҳозирғи кунда сувсиз қуруқ ұзандар, гирди пурсылдоқ оппоқ туз босған шүрхок ҳамда оғир күмлік ва текис тақырліклар билан қопланған дашт манзарасидан мутлақо фарқ қылған бу қадимги воях ұша замонларда ниҳоятда серсүв булиб, табиат дүнәси ҳам бой бұлған. Воях ва уннинг теварак атрофи қалин бутазор, чангалзор, жийдазор ва тұқайзорлардан иборат бұлған. Уларга туташиб кетған поёңсиз даштлик ва құмліклардан иборат яйловлар ҳам улар атрофини қамраб олған. Мохондарә ва Гужайли тошқинларидан ҳосил бұлған күл, ботқоқликлар ва қалин чангалзорлар турлы хил жониворларга сероб бұлған. Дарә ва күл ёқаларнадаги сувлотлар теварак-атрофии турлы хил ёввойи ҳайвон подалари түпланиб сувладидан овлоқ ерлардан иборат бұлған.

Ҳозирғи замонда оғир барханлы құмліклар билан қопланған бу қадимги улканнинг табиин шароити қулагай бұлғаны сабабли бундан 6—7 минг йил мұқаддам бу ерларда Бухоро ва Қоракұлнинг энг қадимий ахолиси яшаган. Бу ахоли на чорвачилек, на деңқончиликни касб этишни билмай, фақат овчилек ва балиқчилек билән күн кечирған. Бухоро-Қоракұлнинг бу қадимги овчи-балиқчилари чакалакзорлардан устун, сарров, туғсиян ва синчбоп дараҳтлар қирқиб, тұқайзорлардан қамишлар үриб, дарә бүйлари ва күл соҳилларида улкан чайлалар бино қылғанлар ва уларда катта патриархал оила булиб яшаганлар. Бундай чайлаларнинг қолдиқлари Ұ. Исмоилов томонидан 1961—1963 йилларда Қоракұл ноҳиясын марказидан 40 км шимоли-ғарбда Каттатузконнинг шимолйи соҳилида Дарвозақыр деган жойда топиб текширилди.

Күйи Зарапшонда қайд этилған 40 дан ортиқ неолит ёдгорликларидан фақат иккитасидагина маданий қатламлар излари сақланиб қолған холос. Бошқаларнда қатламлар шамол эрозияси оқибатида нураб битған. Дарвозақыр I ва Дарвозақыр II ёдгорликларда олиб борылған қазишиш ишларнан маълум бұлишича, маданий қатламлар тоза күчма қум қатламлари билан алоҳида-алоҳида ажралиб турған лойқа ётқизиқлар устида ҳосил бұлған. Ҳар бир қатламни синчиклаб үрганиши натижасыда авваламбор, Гужайли оқимининг қадимги холати ва Каттатузкон күлидаги сув сатхнда содир бұлған үзгаришлар, қолаверса бу сув манбаи билан боғлиқ бұлған қадимий овчи-балиқчиларнинг ҳаёті ва

билин шамол эрозияси натижасида смирилиб, күхна тураржойларнинг аксариятидан ному нишон қолмаган.

КАТТАТУЗКОННИНГ НЕОЛИТ ДАВРИ ОВЧИ ВА БАЛИҚЧИЛАРИ. ДАРВОЗАҚИРЛЯҚЛАР ЧАЙЛАСИ

Маълумки, 50—60 йилларда Я. Фуломов раҳбарлигига махсус археологик отряд қачонлардир қадим замонларда Зарафшон сувларини Амударёга элтган Мохондарё, Гужайли ва Гурдушларнинг қуриб қолган қадимги ўзанлари бўйлаб кенг кўламли археологик тадқиқотлар ўтказди. Уша йилларда топилган қатор археологик ёдгорликлар орқали Зарафшон сувларининг ҳайқириб бу қуруқ ўзанлар бўйлаб Амударёга томон оққанилигини, сўнгра аста-секин оқим сусайиб оқишдан тұхтаб қолганлиги ва ниҳоят сувсизликдан улар қуриб Амударё билан Зарафшоннинг қадими алоқаларни узилиб қолганлиги аниқланди. Шу билан бирга күхна ўзанлар ҳавзасига милоддан аввалги V—III минг йилликларда овчи ва балиқчи қабилалар келиб ўрнашган ва улар яратган ўзига хос маданият изларни топиб ўрганилди.

1960—1963 йиллар давомида Гужайли бўйлаб Кичиктузкон атрофида З жойда, Каттатузкон атрофида 35, Мохондарё бўйлаб Лухликул ва Эчкиқирон атрофларида 2 ҳамда Пойканднинг жанубида Қашқадарёнинг қадимги қуруқ ўзани бўйлаб 11 жойда неолит даврига мансуб ёдгорликларнинг қолдиқлари топилди ва текширилди³.

Қайд этилган ва қазишишлари олиб борилган қатор ёдгорликларнинг жойлашган ўринилари ва улардан топилган турли хил ашёвий топилмаларга қараганда, ҳозирги Қоракўл ноҳиясидаги Саёт қишлоқ ерлари («Октябрь» колхози, «Тошкент» ва «Пайкент» совхозлари жойлашган ҳудудлар) ҳамда Замонбободан шимоли ғарб ва ғарбда Амударёгача туташиб кетган Гужайли ва Мохондарё ҳавзалари (бу кенг майдон шарқда Замонбобо, Кичиктузкон ва Каттатузкон, шимолда Газзов, Одилқудук, Учбош, Қурбонбой, Раҳматбобо ва Эчкиқирон, жанубда Қаптарникуми, ғарбда Оқрабод, Наргизқалъа ва Ҳатар деган жойлар билан чегараланади) милоддан аввалги V—III минг йилликларда Зарафшон

³ Фуломов Я. F., Исломов У., Асқаров А. Ибтидоид маданият ва Зарафшон этакларида сурориладиган дәхқончиликнинг вужудга келиши. Тошкент, 1966, 61—62-бетлар.

водийси күйи оқимидағи энг хүшманзара ва гавжум жойлардан булган. Ҳозирги кунда сувсиз қуруқ ұзанлар, гирди пүрсилдоқ оппоқ туз босған шұрхок ҳамда оғир құмлік ва текис тақырликлар билан қолланған дашт манзарасидан мутлақо фарқ құлған бу қадимги воҳа ұша замонларда ниҳоятда серсүв булиб, табнат дүнәси ҳам бой бұлған. Воҳа ва унинг теварак атрофи қалин бутазор, чангалзор, жийдазор ва тұқанзорлардан иборат бұлған. Уларга тулашиб кетған поёңсиз даштлик ва құмліклардан иборат яйловлар ҳам улар атрофини қамраб олған. Мохондарә ва Гужайли тошқинлардан ҳосил бұлған күл, ботқоқліклар ва қалин чангалзорлар турлы хил жонноворларга сероб бұлған. Дарә ва күл ёқаларидаги сувлотлар теварак-атрофи турлы хил ёввойи ҳайвон подалари тұпланиб сувладидан овлоқ ерлардан иборат бұлған.

Ҳозирги замонда оғир барханлы құмліклар билан қолланған бу қадимги үлканинг табиий шаронти қулагай бұлғани сабабли бундан 6—7 минг йил мұқаддам бу ерларда Бухоро ва Қоракұлнинг энг қадимий ахолиси яшаган. Бу аҳоли на чорвачилик, на деңқончиликни касб этишини билмай, фақат овчилік ва балиқчилік биілан күн кечирған. Бухоро-Қоракұлнинг бу қадимги овчи-балиқчилари чакалакзорлардан устун, сарров, туспиң ва синчбоп дараҳтлар қирқиб, тұқайзорлардан қамшишлар үриб, дарә бўйларн ва күл сохиилларнда улкан чайлалар бино құлғанлар ва уларда катта патриархал оила булиб яшагайлар. Бундай чайлаларнинг қолдиқлари У. Исмоилов томонидан 1961—1963 йилларда Қоракұл ноҳияси марказидан 40 км шимоли-ғарбда Каттатузконнинг шимолий сохилида Дарвозақир деган жойда топиб текширилди.

Күйи Зарафшонда қайд этилған 40 дан ортиқ неолит ёдгорликларидан фақат иккитасидагина маданий қатламлар излари сақланиб қолған холос. Бошқаларнда қатламлар шамол эрозияси оқибатида нураб битған. Дарвозақир I ва Дарвозақир II ёдгорликларда олиб борилған қазиш ишларидан маълум бўлишича, маданий қатламлар тоза күчма қум қатламлари билан алоҳиди-алоҳида ажралиб турған лойқа ётқизиқлар устида ҳосил бұлған. Ҳар бир қатламни синчиклаб ўрганиши натижасида авваламбор, Гужайли оқимнининг қадимги холати ва Каттатузкон күлидаги сув сатхиде содир бўлған ұзгаришлар, қолаверса бу сув манбан билан боғлиқ бўлған қадимий овчи-балиқчиларнинг ҳаёти ва

улар яратган ўзига хос ибтидоий маданиятнинг кўп томонлари аниқлаб олиниди.

Каттатузкон соҳида тақир устида ҳосил бўлган Дарвозакир—I маконининг учта маданий қатламлари уч қават тоза ва энч қум қатламлари билан қопланган. Қатламларининг бундай ҳолати шубҳасиз неолит даврида Каттатузконда сув сатҳи бир хилда бўлмай, балки у доимо ўзгариб турганидан далолат беради. Фикримизча, ҳар бир маданий қатлам устидаги тоза қум қатлами Каттатузконининг суви батамом қуриб ёки ниҳоятда пасайиб кетиши оқибатида балиқчилар ўз маконларидан кучиб кетган вақтларида шамол учирине келтирган кўчма қумлардан ҳосил бўлган. Қум каватлари билан алмашиб турган маданий қатламларга қараб хулоса қилинганда неолит даврида дарвазакирлар ўз маконларини уч марта ташлаб кетганлар, сўнгра яна ўз жойларига қайтганлар.

Дарвазакир—I маконида қазишмалар олиб борилган вақтда унинг сахинидан туртбурчак шаклдаги чайла урини кавлаб очилди. Чайланинг катталиги 7x11,6 м. сахини 81 кв м га тенг. Синчкор бу иморатининг гирдини белгилаб, тархини аниқлашда тақир бетида сақланиб қолган уступ ва синчлар учун ўйилган чуқурчалар жуда қўл келди. Чайла сахинининг марказида икки ва тўрт бурчагида тўртта устунлар ўринатилган каттароқ чуқурчалар, гирди буйлаб синчлар учун кавланган кичикроқ чуқурчалар тақир устида жуда яхши сақланган. Чайланинг томи тўрт иншабли тарзда ёпилган, эшири шарқ томонда булиб, у қўл томонга қараган.

Чайла ташқарисида гирди ёнгиндан бирмунча қизарган бир неча ўюқ ўринилари бўлиб, у қум остида қолиб кетган. Ўчиқлар атрофида ҳамда чайла ичида оқ, сарғимтил-оқ, қизғиши-қўнгир рангли чақмоқ тошлардан ясалган қуроллар, сопол идиши бўлаклари, ов килиб истеъмол этилган балиқ, парранда ва турли хил ёввойи ҳайвонлар суюклари сочилиб ётарди. Тош қуроллари орасида ўқ-ёй пайкоилари, камон ўқлари ва ўроқ дасталари ясашда ишлатиладиган ўроқ рандалар, ҳайвон терпсими ишлаш, ошлаш ва улардан кийим-бош, ёпинчиқ, тўшак ҳамда чориқлар тикишда кенг фойдаланиладиган пичоқсемон кесгичлар, турли хил қирғичлар, тешгич ва сўзанлар, синган сопол идишларни чегалашда, мунҷоқ ва маржонларни тешинида ишлатиладиган пармачалар, иефрит тошидан ясалган пона ва болтачалар, ўроқ тишларининг қадамлари, кўпдан-кўп майдо тош учириниди ва бўлакчалари бор. Ҳар бир тош

қуролни қандай асбоб сифатида ишлатилганини аниқлаш учун минглаб топилмалар иккى күзли микроскоп остига қўйилиб, уларнинг тиғларида билинар-билинмас сақланниб қолган иш жараёнининг излари синчиклаб тадқиқ этилди.

Топилмалар орасида сопол идиш булаклари ниҳоятда кўп бўлиб, аксариятнинг сиртига ботирма чизиқли нақшлар тортилган. Нақшлар ҳам ўзига хос ва бирмунча бой. Улар горизонтал, тик, диагональ тортилган тўлқинсимон, қўш чизиқли, учбурчак, ромб, трапеция, бошоқсимон, тароқсимон сингари турли хил шаклларга эга. Сопол идишларнинг туви тухумсимон ёки думалоқ шаклда ишланган. Улар қозиқ ёки чайла устунларига осиб қўйиншга мўлжалланган. Сопол идишлар 3—4 литр ҳажмда суюқлик сақланадиган хўқача, хурмача, козон ва товоқлардан иборат. Уларда шубҳасиз, овланган балиқ, парранда ёки турли хил ёввойи ҳайвон гўштларидан шўрва қайнатилиб, истеъмол қилингани эҳтимолдан узоқ эмас, албатта. Қизинги шундаки, Каттатузкон атрофида ҳамда Дарвазақирда топиб урганилган сопол идишлар ва уларнинг сернақш булаклари Зарафшон водийсида касб этилган илк кулолчиликнинг маҳсулни ҳисобланади. Чунки неолит даврига қадар бу улкада ҳали сополсозлик кашф этилмаган эди.

Археологик топилмаларнинг таҳлили шуни курсатадики, неолит даврида Дарвазақир I—II маконларида истиқомат қилган қадимги аҳолининг иқтисодий ҳаётидаги овчилик, хусусан балиқ ови хўжалик юритишнинг асосий манбани ҳисобланган. Бу хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлган микролит тош қуроллар ясаш технологияси юқори даражада бўлиб, хатто улар тошни пармалаш, хирпалаб тиғ чиқариш, микролит қадамаларни дасталарга ўтказиб, ўроқ, пичноқ,arra каби маҳсус қуроллар ясаш техникасини мукаммал билганлар.

Хуллас Қўйи Зарафшон ва Қашқадарё этакларидан, Дарвазақир I—II, Катта-кичиктузконлар, Эчкиқирон, Каптарниқуми, Коронғишишур, Қизилқир, Пойканд, Қумсултон ва бошқа кўпгина ёдгорликлардан топилган ашёвий қолдиқларни чуқур ўрганиш ҳамда Қорақалғистон, Қозогистон, Уралбўйн ва бошқа жойлардан топиб тадқиқ этилган неолит даври ёдгорликлари топилмаларига қиёслаш натижасида шу нарса маълум бўлдики. Каттатузкон соҳилларида яшаган қадимги овчи-балиқчи аҳолидан сақланниб қолган моддий маданият излари қадимги Хоразм тупроғида Амударё этак-

ларида С. П. Толстов томонидан кашф этилиб, ўрганилган машҳур «Калтамиорликлар маданияти»га мансуб бўлиб, улар милоддан аввалги IV—III минг йилликлар билан саналади.

УЧТУТ КОНЧИЛАРИ ВА СҮНГГИ ТОШ ДАВРИ ШАХТАСИ

Қуйин Зарафшонда ибтидонӣ маданият излари тасвириланар экан, унинг асоси ҳисобланган тош қуроллар ясаш техникасини асрлар давомида юқори сифатли хом ашё—чақмоқтошлар билан таъминлаб турган кӯҳна тош конларн — «сангбур»лар ҳамда улардан керакли миқдорда хом ашёни кавлаб олиб қуролсозларга муттасил етказиб берган қадимги кончилар фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Маълумки, Зарафшон этакларида қайд этилган тош қуроллар ниҳоятда сифатли օқ ва сарғимтил-օқ ҳалцедон, нефрит ва опаллардан ясалган. Бундай тошлар купроқ марказий Қизилқумда Олтинтов ва Букантов қатламларида учрайди. Қуролларнинг маълум қисми оч-жигарранг ва кулранг чақмоқтошлардан ишланган. Бундай тоғ жинслари эса қадимдан Навоий шаҳридан шимолда жойлашган Учтут яқинидаги Қоратоғдан кавлаб олинган.

Учтутда, М. Қосимов ва Т. Мирсоатовнинг олиб борган қазиш ишларидан маълум булишинча, Учтутнинг қадимги тош кони — сангбурндан фақат мустеъ давридагина эмас, балки юқори палеолит, мезолит ва неолит даврларида ҳам хом ашё манбани сифатида фойдаланилган экан. Қизиги шундаки, янги тош даврига қадар хом ашё асосан тоғ юзасига чиқиб қолган чақмоқтош қатламларидан синдириб олинган бўлса, неолит даврига келиб ер остидан кавлаб олинган. Археологик тадқиқотлардан маълум булишинча, тоғнинг остки қатламларидаги асрй чақмоқтошлар очиқ майдон бетига чиқиб қолган қатламлардаги чақмоқтош жинслирига инсбатан сифат жиҳатдан юқори бўлган. Улардан исталган шаклда ниҳоятда кескир тош қуроллар ясалган. Шунинг учун ҳам қадимги кончилар ўз даврининг моҳир сангтарошлари бўлиб, чақмоқтошларнинг сифатли навларинин ахтариб топиб, уларни тогларнинг қаеридан ва қандай усулда кавлаб олишни яхши билганлар.

Учтут тош устахонаси ва сангбурида юздан ортиқ неолит даври шахтаси қайд этилиб, улардан 26 тасида қазишлар ўтказилди. Шахталар оғзи доира ёки ворон-

касимон шаклдаги үралардан иборат булиб, чақмоқтош булаклари кавлаб олиш натижасида туби кенгайиб камарга айланган. Баъзи 2 ёки 3 шахта чоҳларининг камарлари туташтирилиб, туннелга айлантирилган. Шахталар оғзининг диаметри 1, 5—2, чуқурлиги 3—4, туннелларининг узунлиги 4, кенглиги 1,5, баландлиги эса 1,8 метрга боради. Шахта деворларида, айниқса бел қисмларида диаметри 2—3 см ли қозиқсимон предметнинг сурункасига бетартиб туширилган ярим доира шаклдаги ботиқ излари яхши сақланган. Излар ҳамда чоҳ тубидан топилган йирик шоҳли ҳайвонларининг минераллашиб кетган шоҳларига қарагаида, неолит даврининг шахталарини кавлашда Учтутнинг қадимги кончилари хуқиз, буғу каби ҳайвонларининг шоҳларидан ясалган чўкич, чут ва ўйғич каби қуроллардан фойдаланганлар. 3—4 метрли чоҳлар қазиб, уларни туннеллар билан бирлаштириб тоғ қаъридан чақмоқтош булаклари кавлаб олганлар. Шахталарининг туби, камари ва туннеллардан топилган кўпдан-кўп ашёвий қолдиқларга қараганда ер қаъридан чақмоқ тош булакларини кавлаб, уларни тош болғалар билан синдириб олишда неолит даври кончилари қайроқ тошлардан ясалган турли хил қўпол тош қуроллардан кенг фойдаланганлар. Бу даврда ҳар бир шахта қудугини кавлаш учун қанча вақт сарф булганини аниқлаш мақсадида махсус археологик экспериментал тажрибалар ўтказилди. Кои ишлари учун тош, ёғоч ва шоҳлардан ясалган махсус чўкич, чут ва ўйғичлар воситаси билан үралар қазилиш, тубидан чақмоқтош булаклари кавлаб олиниди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, тош чўкичлар билан чуқурлиги 170 см, диаметри 90 см ли ўра 18 соатда, шоҳ чўкичлар билан чуқурлиги 230 см, диаметри 120 см ли чоҳ 8 соатда, ёғоч ўйғичлар билан эса чуқурлиги 235 см, диаметри 120 см ли кудуқ 7 соатда кавлаб очилди.

Ўтказилган тажриба кўрсаткичларидан маълум булишича, шахталар кавлашда тош қуролларга нисбатан шоҳ ёки ёғочдан ясалган ўйғичлар қўл келар экан. Вақт тежалиб, ишнинг унуми ҳам бирмунча юқори бўларкан. Тадқиқотчилар Учтут, Воуш ва Ижонд атрофларидан топилган қатор тош даври маконлари ва уларда қайд этилган хилма-хил тош қуролларини Зарафшон водийсининг қуйи оқимидан топиб ўрганилган неолит даври ёдгорликларининг чақмоқтош қуролларига солиштирилар эканлар, улар ўртасида ҳам хили, ҳам ишлов техникаси, ҳатто фойдаланилган ҳом ашё — чақмоқтош турлари жиҳатидан ҳам жуда ўхшашлик бор

ларида С. П. Толстов томонидан кашф этилиб, ўрганилган машхур «Калтамиорликлар маданияти»га мансуб бўлиб, улар минноддан аввалги IV—III минг йилликлар билан саналади.

УЧТУТ КОНЧИЛАРИ ВА СҮНГГИ ТОШ ДАВРИ ШАХТАСИ

Қуйи Зарафшонда ибтидоий маданият излари тасвириланар экан, унинг асоси ҳисобланган тош қуроллар ясаш техникасини асрлар давомида юқори сифатли хом ашё—чақмоқтошлар билан таъминлаб турган күхна тош конлари—«сангбур»лар ҳамда улардан керакли миқдорда хом ашёни кавлаб олиб қуролсозларга муттасил етказиб берган қадимги кончилар фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Маълумки, Зарафшон этакларида қайд этилган тош қуроллар ииҳоятда сифатли оқ ва сарғимтил-оқ халцедон, нефрит ва опаллардан ясалган. Бундай тошлар кўпроқ марказий Қизилқумда Олтинтов ва Букантов қатламларида учрайди. Қуролларнинг маълум қисми оч-жигарранг ва кулранг чақмоқтошлардан ишланган. Бундай тоғ жинслари эса қадимдан Навоий шаҳридан шимолда жойлашган Учтут яқинидаги Қоратоғдан кавлаб олинган.

Учтутда, М. Қосимов ва Т. Мирсоатовнинг олиб борган қазиш ишларидан маълум бўлишинча, Учтутнинг қадимги тош кони—сангбурндан фақат мустеъ давридагина эмас, балки юқори палеолит, мезолит ва неолит даврларида ҳам хом ашё манбаи сифатида фойдаланилган экан. Қизиги шундаки, янги тош давринга қадар хом ашё асосан тоғ юзасига чиқиб қолган чақмоқтош қатламларидан синдириб олинган бўлса, неолит даврига келиб ер остидан кавлаб олинган. Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишинча, тоғнинг остки қатламларидаги асрйи чақмоқтошлар очиқ майдон бетига чиқиб қолган қатламлардаги чақмоқтош жинслирга нисбатан сифат жиҳатдан юқори бўлган. Улардан исталган шаклда ииҳоятда кескир тош қуроллар ясалган. Шунинг учун ҳам қадимги кончилар ўз давриннинг моҳир сангтарошлари бўлиб, чақмоқтошларнинг сифатли навларини ахтариб топиб, уларни тоғларнинг қаеридан ва қандай усулда кавлаб олишни яхши билганилар.

Учтут тош устахонаси ва сангбурида юздан ортиқ неолит даври шахтаси қайд этилиб, улардан 26 тасида қазишлар ўтказилди. Шахталар оғзи доира ёки ворон-

қасимон шаклдаги уралардан иборат булиб, чақмоқтош бұлаклари кавлаб олиш натижасыда туби кенгайиб камарга айланған. Баъзи 2 ёки 3 шахта чоҳларининг камарлари туташтирилиб, туннелга айлантирилған. Шахталар оғзининг диаметри 1, 5—2, чуқурлиги 3—4, туннелларининг узунлығи 4, кенглиги 1,5, баландлығи эса 1,8 метрга боради. Шахта деворларида, айниқса бел қисмларда диаметри 2—3 см ли қозиқсимон предмет ниг сурункасига бетартиб түширилған ярим доира шаклдаги ботиқ излари яхши сақланған. Излар ҳамда чоҳ тубидан топнлған йирик шохли ҳайвонларининг минераллашиб кеңгін шохларига қараганда, неолит даврининг шахталарини кавлашда Учтутнинг қадимги кончилари хұқынз, буғу каби ҳайвонларининг шохларидан ясалған чүкіч, чұт ва үйғич каби қуроллардан фойдаланғанлар. 3—4 метрли чоҳлар қазиб, уларни туннеллар билан бирлаштириб тоғ қаъридан чақмоқтош бұлаклар кавлаб олғанлар. Шахталарининг туби, камари ва туннеллардан топнлған күпдан-күп ашёвий қолдиқларга қараганда ер қаъридан чақмоқ тош бұлакларини кавлаб, уларни тош болғалар билан синдириб олишда неолит даври кончилари қайроқ тошлардан ясалған турли хил қупол тош қуроллардан кенг фойдаланғанлар. Бу даврда ҳар бир шахта қудуғини кавлаш учун қанча вакт сарф булғанини аниқлаш мақсадида махсус археологик экспериментал тажрибалар үтказилди. Конишлари учун тош, ёғоч ва шохлардан ясалған махсус чүкіч, чұт ва үйғичлар воситаси билан ұралар қазилиб, тубидан чақмоқтош бұлаклари кавлаб олиниди. Тажрибалар шуни күрсатадыки, тош чүкічлар билан чуқурлиғи 170 см, диаметри 90 см ли ўра 18 соатда, шох чүкічлар билан чуқурлиғи 230 см, диаметри 120 см ли чоҳ 8 соатда, ёғоч үйғичлар билан эса чуқурлиғи 235 см, диаметри 120 см ли қудуқ 7 соатда кавлаб очилди.

Үтказилған тажриба күрсаткышларидан маътум булишича, шахталар кавлашда тош қуролларга иисбатан шох ёки ёғочдан ясалған үйғичлар құл келар экан. Вакт тежалиб, ишнинг унуми ҳам бирмунча юқори бұларкан. Тадқиқотчилар Учтут. Воуш ва Ижонд атрофларидан топнлған қатор тош даври маконлари ва уларда қайд этилған хилма-хил тош қуролларини Зарафшон водийсининг қуйи оқимидан топиб үрганилған неолит даври ёдгорликларининг чақмоқтош қуролларига солишириар эканлар. Улар уртасыда ҳам хили, ҳам ишлов техникаси, ҳатто фойдаланилған хом ашё — чақмоқтош турлари жиҳатидан ҳам жуда ұхашашлик бор

эканини қайд этдилар. Шунга асосан Учтутнинг неолит даври шахтасини милоддан аввалги V—III минг йилликлар билан санамоқдалар.

Тош аспи ишлаб чиқаришининг асосий хом ашёси—чақмоқтош қатламларини излаб топиб уни кавлаб олиш мақсадида Учтутда шахталар қазиб ишга туширган неолит даври кончилари, шубҳасиз калтамиорликлар қабиласига мансуб булганлар. Улар Қуйи Зарафшон ҳамда Марказий Қизилқумда кенг тарқалиб, овчилик ва балиқчилик билан кун кечириб келган ўз қабила-дошларини шуҳбасиз, хом ашё билан муттасил таъмин лаб турганлар. Балки улар уртасида айирбошлаш хам мавжуд бўлгандир.

Шундай қилиб, Бухоро воҳасининг шарқий ҳудуди ҳисобланган Қоратоғ этакларидан неолит даврига оид шахта ва қадимги кончилар макони ҳамда устахоналарнинг топиб, тадқиқ этилиши билан Урта Осиёда ҳозирча ягона ҳисобланган нодир археологик ёдгорликлар комплекси кашф этилди. Бу ибтидоий кончилик колдиқларидан топилган турли хил кўпдан-кўп ашёвий топилмалар ҳозирги кунда 5—7 минг йил муқаддам Урта Осиёда, хусусан жумҳуриятимиз ҳудудида илк бор тоғ саноатига асос солинганини курсатади. Бу осори атиқаларни синчиклаб урганиш билан Қуйи Зарафшонда ибтидоий маданият изларининг тарқалган ҳудудлари белгиланиб, Бухоро тарихи дебочасининг очик саҳифаларини бирмунча тўлдирилди ва бойнтилди.

САРМИШСОИННИНГ ҚАДИМИЯ СУВРАТКАШ ОВЧИЛАРИ

Учтут шахтаси ва унинг атрофида археологик тадқиқотлар олиб борилар экан, қадимиюн сангбурдан шарқроқда — Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган Сармишсой дарасида ибтидоий маданиятнинг яна бир нодир обидаси—қоятошларга битилган петроглифлар қайд этилди. Ибтидоий тасвирий санъатнинг ажойиб намуналаридан ҳисобланган Сармишсойнинг қоятош расмлари Қуйи Зарафшонда яшаган қадимги овчиларнинг ҳаёти, эътиқоди ва маданиятини урганишда ўзига хос шанба булиб, улар улканинг утмиш табнати, хусусан ҳайвонот дунёси, овчилик билан боғлиқ бўлган қадимги расм-руслари тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

Бу ибтидоий тасвирий санъат асарлари Сармишсой дарасининг икки юзида қад кўтарган қоятошларнинг силлиқ юзасига солинган. Уларнинг асосий кисми учли

асбоблар воситасида сурункасига зарб билан ёки ўткир қирралы кескичлар воситасида чизиб ёки тарашланган. Минг йиллар оша уларнинг энг қадимий нусхалари қуёш ва шамоллар таъсирида униқиб қорайиб кетган бўлса-да, чошгоҳ ва кеч пешинларда кўзга яққол ташланади.

Қуйи Зарафшоннинг номаътум қадимги монийлари томонидан моҳирона ўйиб ёки чизиб ишланган бу жозибали тасвирий санъат обидаларнинг манзараси ранго-ранг ва мазмуни ниҳоятда бойдир. Сармишсой қояларида ёввойи буқалар, шохлари атрофга буталаб кетган буғу ва булонлар, елиб бораётган тоф такаси, оҳу, тұнгиз, бўри, қоплон, итлар ҳамда бир-бири билан олишаётган турли хил ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, шунингдек, овчилар ва ов манзаралари ҳам тасвирланган. Улар узининг сермазмун ва жозибалилиги билан ажрабиб туради Сармишсойнинг чап соҳилидаги қоялардан бирнда белнга садоқ (үқдон) тақиб олган ва қўлида камон тутган овчиннинг бўксасидан ўқ еган така томон югуриб бораётганин, така эса яраланганига қарамай жон-жаҳди билан қочиб кетаётгани ҳолатлари ифода этилган. Яна бир расмда овчи ола буқанинг олдида туриб камондан ўқ узмоқда. Овчилардан бири тұнгизни уриб йиқитган. Овда сайёдлар билан бир қаторда қатнашган този итлар тасвирланган манзаралар ҳам намойиш қилинган. От чоптириб кетаётган чавандознинг ёки олис-олисларга йўл олган түя карвонларининг тасвирлари айниқса дикқатга сазовордир.

Шуни таъкидлаш үрнлики, бу тасвирий санъат ёдгорликларида қадимги овчи қабилаларнинг овчилик билан боғлиқ бўлган меҳнат фаолиятларигина эмас, балки уларнинг сураткашлик маҳорати, айниқса бу хўжалик билан боғлиқ бўлган ҳаётний мушоҳадалари, ижодий маҳоратлари ҳам тараниум этилган.

Бу нодир ибтидоий тасвирий санъат ёдгорликларининг тадқиқотчиси Абдужаббор Кабировнинг ёзишича, Сармишсой ҳамда Биронсой қоятош суратлари асосан овчилик ҳамда чорвачилик билан кун кечирган қадимги чорвадор қабилаларнинг тасвирий санъат намуналаридан булиб, улардан энг қадимииси милоддан аввалги II минг йилликка мансубдир. Бу даврда ибтидоий деҳқончилик хўжаликларн шаклланиб ривожлана бошлайди. Зарафшон ва Қашқадарё водийларининг қуйи этакларига жойлашган Бухоро воҳасининг қадимиий табиати — чор атрофи даштиклар билан уралган дарёвот адоғларининг серсувлити, ҳайвонот ва ўсимлик

дунёсининг ранго-ранглиги, беҳад яйловларию-сувлотлари ҳам чорвачилик, ҳам дәққончилик хужаликларининг қарор топишида муҳим роль уйнаган.

ЗАМОНБОБОЛИК БОБОДЕҲҚОНЛАР МАСКАНИ

Милоддан аввалги III минг йилликнинг охирларига бориб Зарафшон дарёсининг жўш уриб ҳайқирган қадимги оқими бирмунча сусайиб, Моҳондарё узани бўйлаб муттасил оқиб турган унинг тошқин сувлари аста-секин камайиб борган. Ниҳоят милоддан аввалги II минг йиллик давомида Моҳондарё ва Гужайли ўзанларининг қуян қисмларига сув етмай, Каттатузкондек қадимги кўл деярли қуриб қолган. Худди шу даврдан бошлаб Зарафшоннинг Моҳондарё орқали Амударёга қўйилиши барҳам топиб, бу икки дарёнинг қадимги алоқаси бутунлай узилган. Моҳондарё ва Гужайли ўзанлари қуян қисмларининг қуриб қолиши оқибатида бу ноҳиядаги кўпдан-кўп кўуллар атрофида юлгун, қамиш ва лўҳ босган тўқайлар ичидаги янги тош даврдан (милоддан аввалги V—III минг йиллик) яшаб келаётган аҳолининг ўз маконларини тарқ этиб, юқори оқим томон кўчганлиги кузатилади. Бу манзарани Моҳондарёнинг ҳар икки ўзанлари бўйлаб, милоддан аввалги II минг йилликка мансуб археологик ёдгорниклар ва айрим топилмаларнинг тарқалган ҳудуди чегарасидан яққол қуриш мумкин.

Бу даврда аҳоли Каттатузкондан 20 км юқоридаги Замонбобо кўли, Кичнитузкон, Каптарниқуми, Моҳонкул ҳамда қадимги Пойканд кўли атрофларига келиб ўрнашган. Шунинг учун ҳам милоддан аввалги II ва I минг йиллик бошларига мансуб археологик ёдгорниклар ва айрим топилмалар Моҳондарё ва Гужайли ўзанларининг юқори қисми ҳамда Пойканд атрофларида учрайди. Бу ерларда бир неча йиллар давомида 30 дан ортиқ археологик ёдгорниклар топиб ўрганилди. Бу ёдгорникларнинг бир қисми ўтроқ дәққончилик ва чорвачилик билан, иккинчи қисми эса чорвачилик ҳамда қисман дәққончилик билан шуғулланган аҳолига мансуб бўлиб, улардан биринчиси милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми, иккинчиси эса шу минг йилликнинг охири ҳамда милодгача бўлган I минг йилликнинг бошлари билан саналади.

Топиб текширилган мазкур ёдгорниклар ва улардан чиқсан турли хил ашёвий топилмалардан аниқланнишча, бу даврга келиб қадимги бухоролик—қоракўллик-

лар ҳаётида икки янги хўжалик—ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилик шаклланиб, улар аҳоли ҳаётининг асосий тирикчилик манбаига айланган. Овчилик ва балиқчилик эса шу даврдан бошлаб иккинчи дараҷали ёрдамчи хўжалик бўлиб қолган. Бу, шубҳасиз, Бухоро ва Қоракулнинг қадимги аҳолиси ҳаётида янги тарихий давр булиб, ўлкани аста-секин обод этиб, уни иқтисодий жиҳатдан узлаштиришга киришилганидан, аҳолиси эса батамом ишлаб чиқариш хўжалиигига (гарчи у ҳали бошланғич ҳолатда бўлса-да) кучганидан далолат берар эди.

Бу даврга мансуб археологик ёдгорликлар орасида Замонбобо кўлининг шимолий соҳилида қайд этилган ибтидоий деҳқонларнинг қабристони ҳамда кўлдан 500 м шарқда Гужайлиниг қурғиб қолган қадимги ўзани ёқасида кавлаб очилган тураржой харобалари айниқса диққатга сазовордир.

Маълумки, замонбоболик ибтидоий деҳқонлар қабристони 1950 йилда Я. Ғуломов томонидан топилиб, 1951—1953 йиллар давомида қазиб ўрганилди. Шу даврида Бухоронинг ибтидоий жамият тарихини ўрганиш масаласида бурилиш ясаган бу ёдгорликнинг топилиниши тасодифни эмас, албатта. Унда Я. Ғуломовнинг Хоразмда С. П. Толстов билан ҳамкорликда олиб борган кўп йиллик археологик тадқиқотлардан туплаган улкан тажрибаси, айниқса қўл келган эди. Шу сабабли бўлса керак, тақир тупроғи орасидан фавқулодда топиб олинган камон ўқининг тошдан ясалган пайкони бу нодир обиданинг кашфиётнга турткى бўлган. Чунки Замонбобо кули соҳилида жойлашган бу қадимги гурристоннинг кўзга ташланадиган бирорта ҳам белгиси бўлмай, усти бир оз қумликлар билан қопланган текисликдан иборат эди. Бизнинг давримизгача қабристондаги қадимий гўрларнинг фақат остки лаҳад қисмларигина сақланиб, уларнинг гирди ҳам текисланниб, мутлақо билинмай кетган. Қабрларнинг супа ва устки гумбаз қисмлари асрлар давомида тупроқ эрозияси оқибатида емирилиб, уларни шамол узи билан учирив олиб кетган. Қазиб очилган 46 та гўр қолдиқларидан 8 тасида жуфт, 28 тасида эса якка ҳолда дағн этилган жасад скелетлари қайд этилди. Ҳатто икки қабрда катталар ёнига ёш бола жасади кўмилгани аниқланди. Сақланиб қолган скелетларнинг ҳолатига қараганда жасадларнинг деярли ҳаммаси ўнг ёки чап ёни билан ёнбошлатиб, ғужанак тарзда дағн этилган.

Қазишиңа жараәнида әркаклар дағы этилган қабрларда асосан ўқ-ей ғайконлари, пичоқсімөн тош қүроллар ва турли шаклдаги сопол идишлар, аёлларга мансубларида эса оспол идишлар билан бир қаторда жез күзгү, упадон, сурмадон каби пардоз-андоз буюлары, қимматбақо ва ярим қимматбақо жилвир тошлар, ложувард, феруза, ақиқ сингари тошлардан ясалған турли шаклдаги мунчоқ ва маржонлар қайд этилди. Топылмалар орасыда аёл ҳайкалчаси, ховонча дасталағы, олтін мунчоқ ва бошқалар айниңса диққатға сазовордир.

Шұни ҳам қайд этиш лозимки, бу даврда ер кавловчи меңнат қуроллари ҳали такомиллашмаган, бундай қуроллар билан гүр қазиши ніхоятда машаққатлы бўлган. Оқибатда тор-танқис қабрларга марҳумларни букиб күмиш одат тусини олган. Эркак мурдаларни қурол-асбоб, аёл мурдаларни эса безакларни билан, идиштовоқларда эса емакликлар билан кўмиб дағы этиш Қоракүлнинг ибтидоий деҳқон аҳлида ўша қадим замонлардаётқа нариги дунёга ишониш эътиқоди мавжуд бўлганидан далолат беради

Бухоронинг ибтидоий деҳқонларига мансуб обидаларни топиб ўрганишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қушган олимлардан яна бири археолог А. Асқаров бўлди. У 1961 йилнинг кузидат Замонбобо кўлидан 500 м шарқроқда Гужайли дарёсининг қадимги қўриқ ўзанининг ўнг соҳилида жойлашган ибтидоий деҳқонларнинг тураржой қолдиқларини топиб текширди. Ибтидоий деҳқонларнинг бу қадимги қишлоғи ярим ергула ва тақир устига ўрнатилган иккита енгил чайлалардан иборат бўлиб, улардан биринчиси бизгача жуда яхши сақланган. Чунки аҳолиси томонидан ташлаб кетилгач бу тураржойлар кўчма қумлар остида кўмилиб кетган. 1961—1964 йилларда олиб борилган қазишишларни туфайли бу қадимги деҳқонлар қишлоғи қолдиқлари тўла қазилиб, синчиклаб ўрганилди.

Уннинг умумий майдони, чайлаларнинг тархи, тузилиши, ишлатилган қурилиш материаллари, қайд этилган ашёвий қолдиқлар асосыда бу ерда истиқомат қилган ибтидоий деҳқон жамоасининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг айрим томонлари аниқланди. Қазиб очилган биринчи тураржой ярим ертұла шаклдаги каттагина чайладан иборат. Уннинг пойдевори бир метр чуқурликда ўйиб ишланган. Чайланинг узунлигиги 23,5 м, кенглигиги 9 м. Чайла ичи ва атрофидаги устун ўрнатиш мақсадида кавланган чуқурчаларга қараганда,

уасинчкори булиб, деворлары юлғун новдаларидан че-таң қилиб түқнлган, атрофига лұмбоз босилиб, томи қамышлар билан иккі нишабли қилиб ёшилган. Бу ту-таржойнинг умумий майдони 170 кв м булиб, унда тах-минан 60—65 жон истиқомат қилган Чайланинг ичи ва ташқарисида бир нечта үчоқ уринлари, хужалик үрала-ри күзга ташланади. Улар теварагида эса сопол идиш бұлаклари, турли хил тош қуроллар, хонаки ҳамда ёввойи ҳайвон (әчки, құй, қорамол, кийик, тұнғиз), пар-ранда, балиқ сүяклари, шунингдек ақиқ, ложувард син-гари жильтыр тошлардан ясалған мунчоқ, марジョン каби тақинчоқлар, жездан ясалған күзгу парчалари сочилиб етади.

Бу қадимги туаржойнинг ҳовлисидан топилған хо-наки кулолчылық хұмдонининг қолдиқлари, айниқса ноёб топилма ҳисобланыб, у замонбоболик ибтидои дәхқонлар хужалик ҳаётининг мұхим сақнфаларнни аниклаш имконини берди. Диаметри 90 см ли бу хона-ки хұмдон ноксимон шаклда ясалып, уртасида лой устуңча, тепаси гумбазлы, ташқариси сомонлы лой билан сувалған. Бир томонида оловхонасы булиб, гумбазидан бир нечта дудбурон тешікчалар қойылған.

Замонбоболик ибтидои дәхқонларнинг бу қадимги қишлоғы Гужайлининг қуйи ирмоқларидан бири уч то-мондан үраб үтган бурунда жойлашған. Шу сабабли у шубҳасиз мавсумий дарё тошқинни хавфи остида бұлған. Бундай хавфни олдини олиб, уни бартараф этиш мақсадида кароргоҳ шарқ ва жануб томонлардан мах-сус кутарма банд—марза билан үраб олинған. Дарё тошқининг қарши барпо этилған бу қадимги иншоот-нинг узунлғи 10 м, кенглиғи эса 2 метрга teng. Бизга қадар у 20—25 см баландликда сақланған. Бу узига хос ноёб осори атиқа намуналаридан булиб, Бухоро воҳаси ҳудудида қайд этилған даслабки энг қадимги сув иншооти қолдиги эди. У шубҳасиз сув иншоотлари—бандлар воситасида дарё тошқинларини бошқариб, сунъий суғориш барпо этила бошланғанидан гувоҳлик беради.

А. Асқаровнинг ёзишича, Замонбобо қабристони ва қароргоҳида топилған ашёвий қолдиклар бир-бирига жуда үхшаш булиб, улар қадимги замонбоболиклар асосан дәхқончылық ва хонаки чорвачилик билан кун кечирғанларидан гувоҳлик береди. Топилған күпдан-күп тош асбобларидан ҳамда сақланыб қолған жайдары арпа ва бүгдой каби бошоқлы үсімлик қолдиқларидан шу нарса маълум бўлдикни, улар тошқинлардан ҳосил

бүлган зах ерларда дәхқончилек қилиб, үзларн етиштирган донлик зироатларни қадама тош үроқларда үриб, донларини ёрғуchoқларда ёрма қилиб, арпа ёки буғдои гүжа, құмоч, құғирмоч ҳамда халм каби емакликлар тайёрлаганлар. Қазишлардан чиққан уй ҳайвонлари сүякларига қараганда, улар қадимги Гужайли воҳасиға қадар тулашиб кетган кенг яйловларда эчки, қўй ва қорамол боқиб, чорвачилик маҳсулотларидан ҳам кенг фойдаланганлар. Топилган айрим урчуқ тошлар ҳамда сүяқдан ясалган сўзан ва игналарга қараб фикр юртадиган бўлсак, улар эчки ва қўй жунларидан ип йигириб, кийим-кечаклар учун жун мато туқинганлар, кигиз босиб, босма жун чакмонлар тайёрлаган булишлари ҳақиқатдан узоқ эмас.

Бу даврда одамлар тирикликтан бирмунча бушаб, бир оз дам олиш, йиғилиб сүҳбат қилиш имконига ҳам эга бўлганлар. Қабрлардан чиққан турли хил тақинчоқлар, сурмадон, қаламқош, упа-элик солинган сопол идишчалар ва жез кузгуларга қараганда, қадимги замонбоболик аёллар эндиликтда мол-ҳол ва бола-чақадан ортиб, үзларнга оро бериш учун вақт топа олганлар. Билагузук, булоқи, исирға, мунчоқ ва маржонлар тақиб қўшни ўлкаларда бирор маҳсулотга айрбошлаб олиб келинган жез кўзгуларга боқиб, бетларига упа-элик, қошу киприкларига сурмалар тортиб, уз соҳиби хона-донларининг хизматида бўлганлар.

Қайд этилган ашёвий топнімаларга қараб фикр юритилса, замонбоболиклар жамоасида ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари, хусусан, кулолчилик, жезни эрнтиб ундан ҳар хил буюм ашёлар ясаш, айниқса тошни ишлаш техникаси ривож топган. Сопол идишлар асосан қўлда ясалган, нақшсиз, тухумсимон ва ясси тубли, қисман чархда ишланганлари ҳам учрайди. Топилмалар орасида қўшни Бактрия ёки Марғианада ясалган идишлар ёки Бадаҳшон ложувардидан ишланган безаклар булиб, шубҳасиз улар замонбоболикларнинг ўзларидан жануброқда яшаган ўтроқ дәхқон жамоалари ҳамда шимолроқда истиқомат қилувчи чорвадор аҳоли билан ҳам қандайдир айирбош савдо ва маданий алоқада бўлганидан далолат беради. Бу ёдгорликлар комплекси ўзига хос характерли белгиларига кўра тарих фанига «Замонбобо маданияти» номи билан киритилди. А. Асқаровнинг таъкидлашича, Замонбобо маданияти жанубнинг ўтроқ дәхқончилек жамоалари таъсирида шаклланган, у хонаки чорвачилик ва мотиға (кетмонча) дәхқончилиги билан кун кечирган

Бухоронинг туб маҳаллий аҳолисига мансуб булиб, дафтаравал у милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми билан саналган. Кейинчалик Сурхондарё воҳасида қадимги ўтроқ дәҳқончиликнинг «Сополли маданияти»га мансуб қатор осори атиқаларнинг топилиб тадқиқ этилиши билан Замонбобо маданияти давринга бирмунча аниқлик киритилиб, ҳозирги вақтда у милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми билан белгиланмоқда. «Сополли маданияти» ёдгорликларининг сунгги босқичига мансуб қабрлардан худди Замонбобо топилмаларига айнан ўхшаган сопол идишлар ва жездан ясалган ашёлар қайд этилади. Бу икки хил маданият изларининг биргаликда учраши, шубҳасиз Сополли маданиятига мансуб қадимги ўтроқ дәҳқонлар аҳолиснинг сунгги ворислари замонбоболиклар билан бир даврда ёнма-ён яшаганликларидан ҳамда улар бир-бirlарни билан яқин мулоқотда булганидан, қолаверса, қон-қариндош булиб кетганидан далолат берарди. Бундай тарихий манзарани топилмаларда қайд этилиши эса шубҳасиз Замонбобо маданияти даврига берилган дастлабки санани бирмунча ёшартириш учун етарли даражада асос бўлди.

Шундай қилиб, милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида, яъни ҳозирги кундан қарийб 3—3,5 минг йил муқаддам Бухоро воҳасининг даре адоқларида эндиғина ибтидоий дәҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланувчи илк қишлоқлар пайдо булиб, улар айрим ертула ва чўпкори енгил чайлалардан иборат туаржойлардан ташкил топган. Бу илк қишлоқларда хонаки ҳунармандчиликнинг кулолчилик, мисгарчилк, сангтарошлиқ, тўқимачилик каби турларигина мавжуд бўлса-да, аммо ҳали улар касб ҳунарнинг ривож топган мустақил соҳаси даражасига етиб бормаган эди.

ҚОРАҚУЛНИНГ ИБТИДОИЙ ЧОРВАДОРЛАРИ

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Зарафшон оқими аввалгига нисбатан янада сусая боради. Серсувлик йилларида унинг тошқинлари ҳали Моҳондарё ва Гужайли ўзанлари бўйлаб вақт-вақти билан гарчи уриб турган бўлса-да, Зарафшоннинг қуий тармоқлари бу вақтга келиб оқишдан деярли тұхтайди. Қоракүлнинг Замонбободаги ибтидоий дәҳқонлари суви қуриб бора-

ётган қадимги Гужайли ерларини ташлаб, Зарафшоннинг суви доимий оқиб турган асосий ўзанлари ёқасига кучиб бориб ўнашишга мажбур булади.

Худди шу замонларда шимолдан—Сирдарёning урта ва қуйи оқимидан қадимги Хоразм ерлари орқали асосан чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланган ярим кўчманчи қабилалар каттагина гурухининг Зарафшон водийси яйловларига, айниқса дарё адоқлари атрофига келиб ўнашгани кузатилган. Бу ибтидой чорвадорлардан сақланиб қолган моддий маданият обидалари даставвал Енисей дарёси бўйларида—Андронов, сунгра Қорақалпогистоннинг Тозабоғёп деган жойларида топиб текширилгани учун у тарих фанида «Андронов-Тозабоғёп» маданиятлари номи билан шурангат топган.

Бу маданиятга тегишли аҳолини археолог-олимлар милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмиди Қозоғистон даштларидан Ўрта Осиёning шимоли-шарқий ноҳиялари орқали келган чорвадор қабилаларга мансуб келгиндиilar деб атадилар. С. П. Толстовнинг фикрича уларнинг вакиллари қадимги Хоразм ерларида дастлаб милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўлган. Қайд этилган ва тадқиқ қилинган кўпдан-кўп осори атиқалардан маълум бўлишинча, келгинди чорвадор аҳоли уша замонларда Ўрта Осиёning дашт ва тоғ ён бағри яйловларида яшаган.

Топиб текширилган археологик обидаларнинг тарқалган жойларига қараганда Қуий Зарафшоннинг бу янги аҳолиси асосан Гужайли бўйлаб Кичиктuzкон ва Замонбобо атрофларига хамда Қашқадарёning қуйи оқимида жойлашган қадимги Пойканд кули ёқасига келиб ўнашган. Айниқса Кичиктuzкон ва Замонбободан жануби-гарбда жойлашган Каптарниқуми, Қамишли ва Ҳўқизқудук атрофларнда қайд этилган ўнлаб манзилгоҳларнинг унчалик қалин бўлмаган қатламлари ва бу маданий қатламларнинг интенсив шамол эрозиysi оқибатида емирилиб, улар орасидаги сопол идиш парчаларни ва микролит тош қуроллар жез буюм булакларнинг гоҳ тақир устида, гоҳ қумликлар орасида ҳар томонга сечилиб ётиши уша замонларда бу музофотда ҳаёт жуш уриб қайнаганидан далолат беради.

Бу қадимги подачи қабилалар яратган маданиятини, хусусан уларнинг турмуш тарзи, дағи маросимлари, ҳунармандчиллик даражаси, ҳатто ташқи қиёфаларини тадқиқ этишда мозорларда қайд этилган топилмалар айниқса диққатга сазовордир. Қуни Зарафшонда даст-

аввал 5та қабр 1951 йилда Я. Гуломов томонидан Замонбобо күли яқинида Гужайли сохилида қазиб урганилди. Иккинчи мозор 1958 йилда сұнгги антик давр құрғони Қызылқырнинг пастки қатлами остидан кавлаб очилди. Қабрлар асосан ёрма гүр шаклида булиб, мархұмлар оёқ-құллари букилиб, бир ёнига әнбошлатиб, боши гарб томонга қаратылған холда дағы этилган. Ҳар бир скелет ёнида ботирма чизиқ нақшлар билан безатылған туваксимон сопол идишлар, аёллар қабрларыда эса тош ва жездан ясалған турли хил тақинчоқлар учрайди. Қадимги Хоразмнинг Оқчадаре дельтасыда қазиб урганилған күплаб ёдгорликларга қараганда бу подачи қабилалар сув бўйларыда бир ёки икки онларга мўлжалланған уччалик катта булмаган туртбурчакли, марказида маңқали булған ярим ертўла чўпкори чайлаларда яшаганлар. Дарё адогида сақланиб қолған майдада суғориши тармоқларига қараганда, улар ийлов подачилигидан ташқари суғорма деҳқончилик билан ҳам машғул бўлғандар. Уларда хонаки кулоччилик бирмунча ривожланған булиб, кўпроқ сиртига турли шаклдаги геометрик шакллар, тўлқинсизмон чизиқлар ёки бошоқсимон нақшлар тортилған туваксимон идиш-товоқлар ясад ишлатғандар. Қалай ва мис қоришмасини эритиб, жездан пичоқ, бигиз, қалмоқ, кўзгу, исирға, билагузук, мунчоқ ва тўғиғиҷ каби турли хил буюм ва тақинчоқлар ясаганлар. Ургут яқинида Мўминободда қазиб очилған қабрларда қайд этилған зеб-зийнатларга қараганда, улар олтин, кумушдан нозик исирга ва ҳар хил тақинчоқлар ясашни билғандар. Ҳатто суяқдан сибизга ясад, яйловларда уин чалиб юрганлар. Айрим сопол булакларыда сақланиб қолған мато изларидан маълум булишича, бу подачи жамоалари жун йигириб, ундан турли хил матолар тукиганлар.

Зарафшон этакларида, хусусан ҳозирги Қоракул ноҳияси атрофида милоддан аввалги II минг йилликнинг охирги чорагида келиб үрнашған бу янги ахоли дастлаб шубҳасиз қадимги замонбоболик деҳқон жамоалари билан ёнма-ён яшаган, кейинчалик эса улар билан аралашиб Қоракулнинг туб аҳолисига айланған. Шуннинг учун бўлса керак, антрополог олимлар бу подачи ахоли антропологик тип жихатдан замонбоболиклардан мутлақо фарқ қымаслигини, замонбоболиклар эса Сурхондарёнинг Сополли маданиятига мансуб утроқ деҳқон аҳолиси билан бир қиёфага эга эканини қайд этадилар.

Келтирилган археологик маълумотлар таҳлили шунি курсатадики, Қуин Зарафшонда милоддан аввалги II минг йилликнинг охирларида ва милоддан аввалги I минг йиллик бошларида яшаган ибтидоий қабилалар «Андронов-Тозабоғён» маданиятига мансуб эканлар. Уларнинг келиб чиқиши гарчи жанубий Сибирнинг кучманчи чорвадорларига бориб тақалса-да, аммо асрлар давомида Жанубий Қозогистон, Хоразм ва Урта Осиёning дашт ҳамда водийлари аҳолиси билан олиб борган узлуксиз мулоқотлари оқибатида ерли дехқон ва чорвадор жамоаларига аралашиб кетган ва қадимги Сүғд маданиятининг шаклланишида маълум даражада, иштирок этган. Ҳудди ўша замонлардан бошлаб Зарафшон этаклари, хусусан ҳозирги Олот, Қоракўл, Жондор ва Рометон атрофларида чорвачилик ривож топиб, бу жойлар Бухоронинг қадимги чорвадор аҳолиси учун кенг яйловга, овчи ва балиқчилари учун қулай масканга айланган.

ҚУМРАБОТДА ҚАЗИБ ОЧИЛГАН ЭНГ ҚАДИМГИ ҚИШЛОҚ

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Урта Осиёning даштлик ерларида яшаётган аҳоли ҳаётидаги содир бўлганидек, Зарафшон водийиси қуин қисмидаги қабилаларнинг чорвачилик хўжалигига ҳам тез суръатлар билан ривожланиш жараёни кузатилади. Дарё адогининг дехқончилик учун қулай ерларида ярим кучманчи чорвадорларнинг маълум қисми ўтроқлашиб, янги-лиги дехқон жамоалари шакллана бошлайди. Аммо суви қуриб бораётган Мохондарё, Гурдуш ва Гужайли ўзанларининг даштликка айланиб бораётган ҳавзасининг географик шаронти аҳолиси кўпайнib тобора кенгайиб бораётган ўтроқ ҳаёт учун нобоп булиб қолади. Ярим чорвадор ва ярим дехқон қабилалар бу қадимги улкани тарк этиб, ҳозирги Бухоро воҳасининг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмларига — Қизилтепа ва Вобкентдарё адоқларига томон силжигани кузатилади. Варахшадан 20 км ғарбда Боштепа гуруҳи номи билан машҳур бўлган ёдгорликлар теварак атрофида, Қизилтепада Хужабустон Бояздий шаҳар харобасининг остки қатламларнда қайд этилган сўнгги жез даври топилмаларн бунга ёрқин далилдир.

Айни шу даврда Зарафшон водийсининг юқори ва урта қисмларидаги сон-саноқсиз сой этакларида, чаш-

малардан ҳосил бўлган сизот сувлар ёқаларида утроқ дехқон жамоалари қишлоқлари пайдо булиб, уларнинг атроф чорвадор аҳоли билан бўлган мулоқоти кучайиб боради. Бир томондан, деҳқончилик ҳамда чорвачилик нинг юксалиши, иккинчи томондан, қасб-ҳунар, хусусан маъдан эритиш ва ундан қурол-яроқ, асбоб-ускуна ва зеб-зийнатлар ясашнинг ривож топиши, учинчи томондан эса, деҳқон ва чорвадор аҳолилар ўртасида айрбуш савдонинг кенгайиб бориши Зарафшон водийсида ҳам урбанизация жараёнини кучайтириб, қадимги Сўғд маданиятининг шаклланишига олиб келади. Бу жараён шубҳасиз ишлаб чиқаришда янги хом ашё—темирни тоблаб, ундан қурол-яроғ ясашга ўтиш билан чамбарчас боғлиқ булиб, бу давр археология фанида «Темир даври» номи билан юритилади. У милодгача бўлган I минг йилликда бошланган.



Қумработда қазиб очилган милоддан аввалги V асрга онд туарашой тархи.

Қадимги Сўғд маданиятига мансуб урбанизациялашган деҳқон ва ҳунарманд жамоаларининг милодгача бўлган VII—V асрларга мансуб қишлоқлари аввал Урта Зарафшонда, ҳозирги Самарқанд шаҳри ва унинг теварак атрофларида, чашма сувлар ва сой жилғалари бўйида қад кутариб, сунгра аста-секин Зарафшон водийси бўйлаб янги-янги ерлар ўзлаштирила

борган. Навоий вилоятининг Қалқонота ва Конимех ноҳияларида, Бухоро вилоятининг қадимги Варахша ерларидан гарброқда қайд этилган бундай қишлоқлар нинг харобалари ва мозорқурғонларга қараб фикр юритадиган бўлсак, миннодгача бўлган VI—V асрларда факат ҳозирги Бухоро воҳасининг шимолий ва шимолигарбий ҳудудларигина—Конимех ва Вобкентдарё адодидаги ерлар узлаштирилиб, бу ерларда утроқ деҳқончилик қишлоқлари қад кутара бошлагани кузатилади. Бироқ воҳасининг асосий қисми ҳали чакалажзор ва қамишзор партов ерлардан иборат булган. Чунки бу даврда Зарафшон сувлари водийнинг Самарқанд қисмida деҳқончилик учун мутлақо сарф бўлмай, унинг йиллик оқими Бухоро ерларида ҳалқоб бўлиб ётар, ҳатто унинг этагида (ҳозирги Қоракул ва Олот ноҳиялари ҳудудида) илк ўрта аср ёзма манбаларидан тасвириланган машҳур «Боргни Фароҳ», яъни «Улкан кўл» ҳосил бўлган эди.

Бухоро воҳасида энг қадимги қишлоқларининг пайдо булиш жараёнини X аср Бухоро тарихчиси Мұхаммад Наршахий қўйидаги таърифлаган: «Аввал улар чоди ва үтовларда туар әдилар, сўнг вақт ўтиши билан одамлар инғилишиб иморатлар қурдилар... Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди».

Дарҳақиқат Варахша ва Конимех атрофларида қайд этилиб тадқиқ қилинган милоддан аввалги VI—V асрларга мансуб деҳқончилик қишлоқлари урнашган ерларининг географик шаронти Наршахий тасвирилаган қадимги манзарани эслатади. Қишлоқ харобаларининг деярли ҳаммаси дарё тармоқларининг арналари ёқасида жойлашган. Сувга яқин бундай ерларда деҳқончилик қилиш анча қулай бўлган. Бундай қишлоқлар харобалари Конимех ноҳиясидан 5 км гарброқда Қумработ. Арабон—1, Арабон—2 ва Чордара деган жойларда, айниқса яхши сақланган. Бу ёдгорликларни, жумладан Қумработ қишлоқ харобасини синчиклаб текшириш натижасида Бухоро воҳасида, хусусан унинг шимолида қад кутарган илк қишлоқларининг қаҷон қурила бошлагани, таҳи—иморатларининг тузилиши, хўжалик ҳаётি, айниқса ҳунармандчилик билан bogлиқ бўлган жуда кўп масалаларга ойдинлик киритди. Милоддан аввалги VI—V асрларга мансуб бу нодир ёдгорлик Чордарадан жанубда, Қумработ қишлоғидан 0,5 км жашуби-гарбда жойлашган. Ёдгорликининг бир қисми бузиб юборилган. Қишлоқ харобасининг сақланиб қол-

ган қисмининг майдони 45×50 метрга тенг булиб, 9 хонали каттагина уй, ҳовлиси ҳамда кулолчилик устахоналарн бор, атрофи қалин девор билан уралган мустаҳкам қўргондан иборат. Қўргон ва иморат деворлари пахсадан урилган, қалинлиги $1,2-2,2$ м, $0,6$ м баландликда сақланган. Кулолчилик устахонаси алоҳида булиб, қўргоннинг шарқий томонида жойлашган. Унда сопол идишлар пишириладиган диаметри $1,1$ метр келадиган икки курали хумдон бор. Унинг юқори кўраси бузилнб, оловхонаси ичига қулаб тушган. Унинг ичидаги кулолчилик чархида ясалган кўпдан-кўп лаби юпқа, гардиши ясси, жарангдор кува ва қувачасимон, тогорасимон сопол идишлар ва уларнинг бўлаклари қалашиб ётарди.

Конимехнинг VI—V асрларга мансуб археологик ёдгорликлари орасида ноҳия марказидан 5 км гарбда жойлашган Чордара тепалиги айниқса диққатга сазовор. Унинг майдони 40×20 м, баландлиги эса 11 м га тенг. Бу баланд тепалик ости қатламининг узунлиги 56 см, эни $28-30$ см, қалинлиги $7-8$ см келадиган йирик хом ғишт ҳамда пахсадан урилган истеҳкомли қўргоннинг харобаларидан иборат, Унинг ташқи девори ва бир нечта хоналарида правоқсимон эшик уринлари ҳозиргacha жуда яхши сақланган. Қадимги Конимех воҳасида яшаган ўтроқ дэҳқонларнинг мозор қўргонлари Шодибек ҳамда Қалқонота қишлоқлари якинида қазиб урганилди. Гарчи қабрларнинг аксарияти ўша замонларда ёқ қазиб очилиб, дағн ашёлари ўғирлаб кетилган бўлса-да, ҳар ҳолда у ўша замон дағн маросими туғрисида айрим маълумотларни берди. Шу маълумотларга асосланиб фикр юритиш имконинга эга бўлдик. Мозор қўргонлари диаметри $7-18$ м, баландлиги $0,5-1,5$ м келадиган яссиланиб кетган гумбазли қабрлардан иборат булиб, гўрхонаси унинг марказида жойлашган. У туртбурчак, тухумсимон чузиқ шаклда. Ҳажми $2-2,2 \times 0,6-0,9$ м, чуқурлиги $0,4-0,6$ м га тенг. Марҳумлар чалқанчасига боши шимоли-шарққа қаратиб кўмилган. Эркак скелетларининг купида бел қисмида бир томони тешилган тош қайроқлар учради. Қабрлардан бирида калла суюги ичидаги жездан ясалган уч парракли зуғатаси найчасимон камон ўқининг пайкони, иккинчи қабрдан эса лаби юпқа, туби текис жарангдор банкасимон идишгина қайд этилди, холос. Озлигидан қатъи назар, бу ашёлар Конимех ноҳиясида топиб урганилган қадим қишлоқлар санасини белгилаб берди.

Кейинги йилларда Варажша атрофида, айниқса унинг ғарбий томонида Вобкент дарёсининг күхна адоғида жойлашган Боштепа теварагида қайд этилган VI—V асрларга мансуб қишлоқ харобалариниң ўрганиш эндигина бошланаяпти. Шунга қарамасдан бу ноҳияда бундай ёдгорликларнинг мавжудлиги шубҳасиз Бухоро воҳасида илк шаҳар маданиятининг шаклланиб ривожланишида улар муҳим роль ўйнаганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Наршахий Бухоро воҳасида қад кутарган энг қадимги қишлоқлар ҳақида ҳикоя қилганида Варажша «катта қишлоқлар жумласидан бўлиб ...у Бухоро шаҳридан қадимирироқди» деб асоссиз ёзмаган булса керак. Дарҳақиқат Наршахийнинг бу маълумоти ҳақиқатга анча яқин бўлиб, уни 1975—1977 йилларда Варажша шаҳар харобасининг остиқ қатламларида қайд этилган археологик топилмалар маълум даражада тасдиқлайди.

Шундай қилиб, Бухоро воҳасида, хусусан унинг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмларида илк шаҳар типидаги урбанизацияланган қишлоқлар милодгача бўлган VI—V асрларда ёк қад кутара бошлаган. Улар замонбоболик қадимги хонаки чорвадор дехқонларининг ярим ертула ҳамда сингил чўпкори чайлалардан тубдан фарқ қиласидиган иирик хом ғишт ва пахсадан бино қилинган, атрофи девор билан уралган, хунармандчилик анча-мунча ривож топган истеҳкомли қишлоқлар эди. Улар, шубҳасиз воҳада шаҳар маданияти юксалиб, шаҳарларнинг қад кутаришида асосий пойдевор бўлиб хизмат қилган.

ҚАДИМГИ БУХОРО ҚАЧОН ҚАД КУТАРДИ?

Урбанизация масалалари жамиятнинг социал-иқтисодий ва маданий трақиётида ҳамиша энг дол зарб муаммолардан бўлиб, унинг тарихини тадқиқ қилиш эса фанда энг муҳим мавзулардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам археология фаннда бу мавзуга доимо алоҳида эътибор берниб келинди. Жумхуритимиз ҳудудидаги шаҳарларнинг пайдо ғулиши ва шаҳар маданиятининг ривожланиш тарихини ўргакиши муносабати билан 60-йилларда ёк Я. Ғуломов раҳбарлигига маҳсус археологик экспедиция ташкил этилди. Археологлар аввал Фарғона водийсида қад кутарган қадими шаҳарлардан Қува ва Ахсикат, Самарқандда эса Афросиёб шаҳар харобаларида қазиш ишлари бошлаб юбордилар. 1970 йилнинг кузидаги Афросиёбда топилиб

тадқиқ этилган дастлабки археологик материаллар асосида Урта Осиёдаги энг күхна шаҳарлардан бири Самарқанднинг 2500 йиллик тўйи нишонланди. Бу воқеа, шубҳасиз Тошкент, Бухоро, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида археологик тадқиқотларнинг кенгайишига бирмунча турткни ҳам бўлди.

Шу туфайли 1970 йилдаётк Яхе Ғуломов раҳбарлигида Бухоро шаҳрида ҳам кўп йилларга мўлжалланган муентазам археологик қазиши ишлари бошланган эди. Аммо тадқиқотчилар ҳали ниҳоясига етар-етмас Бухоро жамоатчилиги, айниқса фидоий зиёлилари ўртасида «Бухоронинг ёши 3000 йилдан кам эмас» деган қатъий фикр кенг тарқала бошлади. Гарчи археологик қазишмаларда бу рақамни тасдиқловчи бирорта осори-атиқа учрамаган бўлсада.

Аммо, Бухоронинг ёши 3000 йилдан кам эмас деган фикрда ҳам асос бўлиши керак. Хўш бундай маълумот қайси манбадан олинган? Аслида бу маълумот Муҳаммад Наршахийга мансуб бўлиб, у ўзининг «Бухоро тарихи» номли китобида иккни бор ана шу рақами қайд қилиб ўтган ва Аркнинг қурилнишини қадимги Эроннинг афсонавий шаҳزادаси Сиёвуш номи билан боғлаган: «Сиёвуш иби Кайковус ўз отасидан қочиб Жайхун дарёсндан (кечиб) ўтиб Афросиёбнинг олдига келди. Афросиёб унн яхши қабул этди ва ўз қизини унга хотинликка бериб, айтишларича, барча мулкни ҳам унга топширди. Бу вилоят ўзига вактинча бериб қўйилган жой эканлиги туфайли Сиёвуш бу ерда ўзидан бир ёдгорлик қолдиришини истади. Шундай қилиб, у Бухоро хисорини бино қилди ва кўпроқ вақт уша жойда турди. (Кимлардир) у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва (натижада) Афросиёб уни ўлдириди ҳамда шу хисорда шарқий дарвозадан кираверишдаги «Дарвозайн ғўриён» деб аталган сомонфурӯшлар дарвозасининг ичкарисига дағи этилди... Бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди».

Агар шу рақами далил сифатида таҳлил этиб, хулоса қилинадиган бўлса Бухоро арки 4000 йилдан ошиқроқ вақт илгари қурилган бўлиб, Бухоро ёши бухоролик биродарлар ҳамиша таъкидлаб келганидек 3000 йил эмас, балки 4000 йилга тенг бўлиб чиқади.

Модоминки Бухоронинг пайдо бўлган вақти ҳақида сўз борар экан, Наршахийнинг ушбу китобида келтирилган шунга оид яна бир муҳим маълумотга эътибор берайлик. Унда Бухоро ҳали шаҳар сифатида шакл-

ланмаган, аммо эндигина айрим қишлоқлар пайдо бүтгән давр тасвиirlаниб шундай баён этилади: «Халқ күпайғач, бир кишини сайлаб амир қилдилар, унинг номи Аброй эди. Ҳали Бухоро шахри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди. Нур, Ҳарқонруд. Вардона, Таровча, Сафна ва Исконалар ўша қишлоқлар жумласидандир». Бу маълумотга қараганда Бухорога илк бор подшо бўлган ҳукмдорнинг номи Аброй бўлган. Дарҳақиқат Аброй Афросиёб ёки Сиёвуш каби афсонавий эмас, тарихий шахс. Тарихдан маълумки, у VI асрнинг 80-йиллари бошида йирик мулкдорларга қарши Пойканд шахрида кўтарилган халқ қўзғолонига бошчилик қилган. Қўзғолон оқибатида пойкандлик мулкдорлар қувиб юборилиб, шаҳар қисқа муддатга бўлса-да, Аброй бошлиқ камбағал кадиварлар—қишлоқ аҳли қўлига ўтган. Турк хоқони Корачўрининг ёрдами билан милодий 586-йилда Аброй ўлдирилган. Бинобарин, Наршахийнинг ушбу маълумотини асос қилиб оладиган бўлсак, Бухоро ёши 4000 ҳам, 3000 ҳам эмас, балки 1400 йилдан сал ошиқроқ бўлиб чиқади.

Бухоро ёши 3000 йилга тенг деб даъво қилувчилар наҳотки Наршахийнинг бу маълумотига эътибор бермаганлар. Қолаверса, шу ўринда «Бу рақамларнинг қай бирига ишониш керак?» деган ҳақли савол туғилади. Шу сабабли Наршахийнинг Бухоро шахрининг ёши ҳақидаги маълумотларини археологик топилмалар асосида таҳлил этиш зарурияти туғилди. Шубҳасиз, биз бу ўринда Наршахий маълумотларини шубҳа остига олиб, асар қимматини камситмоқчи эмасмиз. Аммо Бухоронинг қадимги тарихига оид маълумотларнинг аксарияти афсоналар асосида ёзилганлиги учун уларга тула асосланиб бўлмайди. Бу ўринда Наршахийнинг Бухоро воҳасининг обод этилиши ҳақидаги яна бир маълумотини бухоролик дўстларимиз диққатига ҳавола қилмоқчимиз. У Бухоро атрофида қад кутарган айрим қадимий қишлоқлар тўғрисида сўз юритар экан. Варахша, Пойканд, Ромниш ва Ромитонини «Бухородан қадимијрокдир» деб таъкидлайди. Унинг ёзишича, Варахша ва Пойканд подшоҳлар кароргоҳи бўлган: «Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Бойканд (Пойканд) эди. Шаҳар «Қалайи Дабусий»—«Дабусий қалъаси» бўлиб, шаҳар деб шуни атар эдилар». Шунингдек у баъзи китобларда Ромитонни «Бухоро деб атаганлар» деган маълумотни келтиради. «Бу қишлоқ қадим вақтларда подшоҳларнинг турар жойлари бўлган. (Кейинроқ эса) Бу-



Милодунганының IV—III астрагалы тапшылыштарынан кийинде.

ланмаган, аммо эндигина айрим қишлоқлар пайдо бүлган давр тасвирланиб шундай баён этилади: «Халқ күпайгач, бир кишини сайлаб амир қилдилар, унинг номи Аброй эди. Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди. Нур, Ҳарқонруд. Вардана, Таровча, Сафна ва Исконалар ўша қишлоқлар жумласидандир». Бу маълумотга қараганда Бухорога илк бор подшо бўлган ҳукмдорнинг номи Аброй бўлган. Дарҳақиқат Аброй Афросиёб ёки Сиёвуш каби афсонавий эмас, тарихий шахс. Тарихдан маълумки, у VI асрнинг 80-йиллари бошида йирик мулкдорларга қарши Пойканд шаҳрида кўтарилиган халқ қўзғолонинг бошчилик қилган. Қўзғолон оқибатида пойкандлик мулкдорлар қувиб юборилиб, шаҳар қисқа муддатга бўлса-да, Аброй бошлиқ камбағал қадиварлар—қишлоқ аҳли қўлига ўтган. Турк хоқони Қораҷурининг ёрдами билан милодий 586-йилда Аброй ўлдирилган. Бинобарни, Наршахийнинг ушбу маълумотини асос қилиб оладиган бўлсак, Бухоро ёши 4000 ҳам, 3000 ҳам эмас, балки 1400 йилдан сал ошиқроқ бўлиб чиқади.

Бухоро ёши 3000 йилга тенг деб даъво қилувчилар наҳотки Наршахийнинг бу маълумотига эътибор бермаганлар. Қолаверса, шу ўринда «Бу рақамларнинг қай бирига ишониш керак?» деган ҳақли савол туғилади. Шу сабабли Наршахийнинг Бухоро шаҳрининг ёши ҳақидаги маълумотларини археологик топилмалар асосида таҳлил этиш зарурияти туғилди. Шубҳасиз, биз бу ўринда Наршахий маълумотларини шубҳа остига олиб, асар қимматини камситмоқчи эмасмиз. Аммо Бухоронинг қадимги тарихига онд маълумотларнинг аксарияти афсоналар асосида ёзилганлигин учун уларга тұла асосланиб бўлмайди. Бу ўринда Наршахийнинг Бухоро воҳасининг обод этилиши ҳақидаги яна бир маълумотини бухоролик дўстларимиз диққатига ҳавола қилмоқчимиз. У Бухоро атрофида қад кўтарган айрим қадими қишлоқлар тўғрисида сўз юритар экан. Варахша, Пойканд, Ромин ва Ромитонни «Бухородан қадими йорқидир» деб таъкидлайди. Унинг ёзишича, Варахша ва Пойканд подшоҳлар кароргоҳи бўлган: «Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Бойканд (Пойканд) эди. Шаҳар «Қалайн Дабусий»—«Дабусий қалъаси» бўлиб, шаҳар деб шуни атар эдилар». Шунингдек у баъзи китобларда Ромитонни «Бухоро деб атаганлар» деган маълумотни келтиради. «Бу қишлоқ қадим вақтларда подшоҳларининг туар жойлари бўлган. (Кейинроқ эса) Бу-

Минувший год вступил в III—IV календарные недели.



хоро шаҳари бино бўлгандан кейин подшоҳлар қиши фаслидагина бу қишлоқда турадиган бўлгаилар. (Бу ерлар) ислом давлатига ўтганда ҳам шундай бўлиб турган» деб таърифлаган Наршахий.

Наршахий маълумотларн таҳлил қилинап экан, эҳтимол Қўргони Ромитон қадимда ҳақиқатан ҳам Бухоро деб юритилгандир, деган фикр туғилиши табиийдир. Масалага қисман бўлса-да аниқлик киритиш мақсадида Бухоро атрофида бир қанча археологик ёдгорликларда қазишмалар ўтказилди. Варахша, Қўргони Ромитон ва Ромуш каби қадимги шаҳар харобаларидан топилган материаллар синчилаб қайта кўриб чиқилди. Бухоро шаҳри яқинидаги Талимурдапартов, Тахмачепа, Талимоҳитобон ёдгорликларида қазиш ишлари олиб борилди. Қадимги Пойканд харобаларида археологик тадқиқотлар бошлаб юборилди. Натижада Наршахий «Бухородан қадимирироқдир» деб кўрсатган Пойканд ва Ромишнинг қуий қатламларида қайд этилган топилмаларнинг энг қадимиисн милодгача бўлган IV аср охири—III асрга мансуб экани аниқланди. Гарчи Варахшанинг остки қатламидан милодгача бўлган V—IV асрларга оид сопол бўлаклари топилган бўлса-да, аммо кавлаб очилган йирик ҳажмдаги ($40\times27\times10$ см) хом ғиштлардан уриб чиқилган, қалинлиги 2 метр келадиган қадимги девор ҳамда доира шаклдаги улкан мўла милод бошларига тегишли бўлиб чиқди. Кўхна Ромитоннинг остки қатламларидаги харобалар эса милоднинг III—IV асрларига тегишли экани маълум бўлди.

Шундай қилиб, Наршахийнинг Бухоро ва унинг атрофида жойлашган қадими қишлоқлари ёши ҳақидаги маълумотлари археологик қазишмаларда ўз тасдиқини топмади. Шундай бўлса-да, бу икки хил манба маълумотлари шаҳарнинг пайдо бўлиш жараёниннинг умумий манзарасини тиклашда бирмунча аниқлик киритди. Бухоронинг ҳақиқий ёши археологик тадқиқотлар орқали аниқланди.

БУХОРО ЕШИ ЗУЛҚАРНАИН ТЕНГДОШИ

❖ Кўхна Бухоро—ўлкамизнинг тарихий обидаларга бой шаҳарларидан бирни сифатида машҳур. Мана Тоқи Заргарон, Тими Абдуллахон, Зиндон ва Мирараб мадрасаси каби ўрта аср меъморий обидаларни жойлашган қадими шаҳристон ҳамда Аркнинг яланғлигидан иборат шарқий қисмида ёзин-қишин муттасил олиб

**Борилган күп һиллик археологик қазиши маңлары ҳам
ниҳоясига етди.**

Қазишилар олиб борилган майдонларда 20 метр
чуқурлиқда бир неча хандақтар қазылды, ер ости си-
зот сувлари насослар ёрдамида чиқарылды, деярлы
ҳамма қазыш участкаларидан Бухоронинг ботқоқлик уст-
тида ҳосил бўлган қадимги рўйи заминини кавлаб
очишга муяссар бўлинди. Унинг бу она тупроғи устидан
асрлар давомида ниҳоятда қалин маданий қатлам
вужудга келган экан. Унинг қалинлиги баъзи жойлар-
да 20 метргача боради. Бухоронинг узоқ ўтмиш изла-
рини ўз бағрида сақлаб келаётган бу қатлам, шубҳасиз,
ўзига хос бир антиқа хазина бўлиб, унда қайд этилган
хилма-хил археологик топилмалар шаҳар ҳаётининг
турли тарихий даврларига мансуб ашёвий далиллар
эди.

Мана Мирааб мадрасаси ва Тоқи Заргарон ёдгор-
лиги оралиғида майдони қарийб 2,5 минг квадрат метр-
ли қазилган хандақ. Унинг чуқурлиги 17,5 метр. Ар-
хеологларимизнинг белкураги билан тик ва ниҳоятда
текис кавлаб тушилган хандақ деворлари худди қат-
қат қилиб пиширилган улкан «қатлама пирог»ни эслатади.
Девор бўйлаб турли сатҳда ўралар, атрофи пи-
шиқ гишт билан ишлаб чиқицган чуқур қудуқлар,
турли томонга йўналган пишиқ гиштли равоқсимон та-
зарлар (канализация иншоатлари), пахса ва йирик
хом гиштлардан уриб чиқицган ниҳоятда қалин шаҳар
деворининг вайронага айланган қолдиқлари, кучли ён-
гин излари ва ҳоказолар кўзга яққол ташланиб туради.
Булар, шубҳасиз, асрлар давомида шаҳарнинг қайна-
ган жўшқин ҳаёти қолдирган излар бўлиб, Бухоронинг
неча бор вайрон этилиб, неча бор қайта тиклан-
ганидан далолат берувчи тилсиз гувоҳлардир. ✕

Қазишиларининг энг остки қатламларидан археологлар
учун фавқулодда қизиқарли ва қимматли маълумот-
ларни аниқлаш имконини берувчи ашёвий далиллар
топилди. Бухоро шаҳри ҳали қад кутармасдан аввал—
узоқ ўтмишда ҳосил бўлган бу табиий қатламлар ранги
ва таркибига кўра бир-биридан мутлақо ажralиб ту-
ради. Хандақнинг энг туб қисмида дарё оқинидилари-
дан ҳосил бўлган оч-кулранг тусли қадимги рўйи за-
мини, унинг устки қисмида эса чиринидилардан ҳосил
бўлган, қалинлиги 40—70 см келадиган торф қатлами
мавжуд. У тўқ-жигарранг. Бу қатлам бамисоли қутон
ничидаги отар оёғи остида босилавернб қат-қат бўлиб
кетган қўй қийини эслатади. Торф қатлами орасида

ёввойи ва хонаки ҳайвонлар ҳамда парранда сүякларини, сопол идишлар бүлакларини учратамиз. Бу қатлам шимолдан жанубга—Мирааб мадрасасиңа томон қалинлашиб, мадраса ҳовлиси остида унинг қалинлиги 7,5 метрга боради.

Бухоро шаҳри остида археологик қазишмалар натижасида кавлаб очилган бу қатламлар, шубҳасиз, бу ўлкада аҳоли эндигина келиб ўнашиб, уни ўзлаштиришга киришилган қадим замонлардаги булажак шаҳарлар ўрни ва теварак-атрофларининг табиий манзасини намойиш қиласиди. Шубҳасиз бу археологик манзара Мұхаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида келтирилган тарифга жуда ҳамоҳанг бўлиб, уни тўла тасдиқлар эди. «Ҳозирда Бухоро ўнашган бу мавзе, илгари ботқоқлиқ бўлиб,— деб тарифлаган эди Наршахий — унинг бази ерларини туқайзор, дарахтзор ва кўкаламзор ташкил этган, айрим жойлари эса шундай бўлганини, бирон ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган. Бунинг сабаби шуки, Самарқанд томонидаги вилоятларда тоғларда қор эриб, суви оқиб келиб ўша жойларга йиғилиб ётар эди.

Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни «Руди Мосаф» — «Мосаф дарёси» деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йиғилган, у бир талай ерларни ювиб ўририб, кўп лойқаларни суриб келган ва натижада бу ботқоқликлар тўлиб қолган. Сув кўп оқиб кела берди, лойқаларни то Битик ва Фаробгача суриб келтира берди. Сўнг сув тошиб келиши тўхтади, Бухоро ўнашган жой аста-секни тўлиб текис ерга айланди ва шундай қилиб у катта дарё Сугд ва бу лойқалар билан тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди.

Зарафшон водийсининг қўйи қисмига жойлашган Бухоро воҳасининг пайдо бўлиши тўғрисида айтилган бу палеогеографик мулоҳаза илк ўрта асрларда ёқ дарё водийлари шаклланиши ва бу жараёнда сув манбаларининг табиий роли ҳақида етарли ва аниқ тушунчага эга бўлинганинидан далолат беради. Қизиги шундаки, бундан қарийб минг йил аввал бу фикр нақадар тўғри эканлигини Бухорода олиб борилган гидрогеологик ва археологик тадқиқотлар тасдиқлаб берди.

Археологик тадқиқотлар шуни курсатадики, узоқ утмишда Зарафшон дарёсининг қўйи ўзанларидан бирини қўҳна Бухоро вужудга келмасдан аввал, ҳозирги вақтда қад кўтариб турган Улугбек ва Абдулазизхон мадрасалари, Тоқи Заргарон, Мирааб мадрасаси, Минорон Қалон ва Масжиди Қалон каби меъморчилик

обидалари бўй чўзган замин ўринидан оқиб ўтган. Бу дарё ўзанининг кенглиги 100—120 метрга борган, илк ўрта аср ёзма манбаларида у «Зарируд» ёки «Рудизари Бухоро» номлари билан тилга олинган. Бу ўзанининг тошқин сувлари қадим замонлардан Пойкаанд шаҳригача етиб борган. Бу кўхна ўзанининг дарёвоти ва теварак-атрофини қоплаб ётган қалин бутазор ва тўқайларнинг асрий чиринидиларидан Бухоро шаҳри остида торф қатламлари ҳосил бўлган.

Айрим қазишма майдонларида қайд этилган кучли ёнгин қолдиқларига қараганда, Бухоро ҳудудини илк бор ўзлаштиришга киришган қадимги «чулқуварлар» бу кўхна дарёвот соҳилларига келиб ўринашиб, тўқайларга ўт қўйиб ер очган бўлишса ҳам ажаб эмас. Наршахийининг таъкидлашича, «ҳар томондан одамлар йиғилиб, у жой обод бўлди. Одамлар Туркистон томонидан келар эдилар. Бу вилоятда сув ва дараҳтлар, овқилиниадиган жониворлар кўп бўлганидан кишиларга бу вилоят хуш келиб, шу ерга жойлашдилар».

Археологик тадқиқотлар шунин аниқлаб бердики, Бухоро шаҳри даставвал қадимги Зарируд ўзанининг икки соҳилида алоҳида-алоҳида жойлашган учта мустақил қишлоқ шаклида қад кўтарган. Улардан бири дарёning ўнг соҳилида ҳозирги Аркнинг ўринда бўлган, қолган иккитаси Масжиди Қалон, Минори Қалон, Мирараб мадрасаси ва Тими Абдуллахон архитектура ёдгорликлари йўналишида, илк ўрта асрлардаги Бухоро шаҳристони ўринда, дарё ўзанининг икки бетида бир-бирига қарама-қарши жойлашган экан.

Бухоро, хусусан унинг мустабид ҳукмдорлари қароргохининг қад кутариш тарихини ўрганишда Аркда олиб борилган қазиш ишларининг натижалари ниҳоятда самарали бўлди. Энг муҳими, аркни ўрганиш тарихида биринчи маротаба унинг қадимги рўйи замонигача кавлаб тушилди. Шаҳарнинг бу қадимги қисми остида ҳосил бўлган маданий қатламнинг умумий қалинилиги 20 метрдан ошиқроқ бўлиб, унинг остки қатламидан кавлаб олинган археологик топилмаларнинг энг кўҳнаси милоддан аввалги IV аср охири ва III аср бошларига мансуб эди. Моддий маданият излари орасида 15,5 метр ҳамда 18,5 метр чуқурликда кавлаб очилган қадимги икки мудофаа деворлари қолдиқларининг топилниши шаҳар тарихини ўрганишда айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Биринчи мудофаа девори 2,5—3, иккничиси 2—2,5 метр баландликда сақланган. Юқори қатламдан топилган девор милоднинг III—IV

асрларида, қуйи қатламдан топилгани эса милодгача бўлган IV—III асрларда пахсадан барпо этилган. Бу майдонда маданий қатлам ҳосил бўлган қадимий рўйи заминнинг сатҳига қараганда, Бухоро арки остида қад кўтарган дастлабки қишлоқ Зарируд ўзанининг ўнг соҳилида жойлашган табиий дўнглик устида пайдо бўлган экан. Бу дўнглик теварак-атрофнинг умумий рельефидан 8—10 метр баланд бўлган. Майдони 1,5—2 гектардан ошмаган.

Археологик қазишлар натижасида кавлаб очилган тарихий манзара шуни кўрсатадики, Бухоронинг қадимги маркази қисми, Аркдан шарқроқда, дарё буйида рельефи жиҳатдан аркка нисбатан анча-мунча пастроқ ерда жойлашган, майдони 12—13 гектарга тенг бўлган. Мирараб мадрасасининг яқинида олиб борилган қазишмалар чоғида 4,5 метр чуқурликда шаҳарнинг қадимги мудофаа девори қолдиқлари қайд этилди. Пахса ҳамда йирик ҳажмдаги хом фиштлардан уриб чиқилган бу қалъа девори 5—6 метр баландликда сақланган. Девор пойдевори остида қолиб кетган маданий қатлам ва унда қайд этилган археологик топилмалардан маълум булишнча, бу қадимги мудофаа иншооти милоднииг V—VI асрларида қад кўтарган. Асрлар давомида у бир неча бор таъмнр этилган ҳамда қайта-қайта тикланган. Шу боисдан асрлар оша у қалинлашиб, илк ўрта асрларда унинг кенглигин 17 метрга етган. Бухоронинг бу қадимги девори ташқарисидан дарё соҳили бўйлаб кенг йўл ўтган. Миноран Калон ва Мирараб мадрасаси оралиғидаги майдон рўпарасида шаҳарнинг жанубий дарвозаси жойлашган бўлган. Бу дарвоза илк ўрта асрларда «Мадина дарвозаси» номи билан юритилган. Археологик қазишлар вақтида Мадина дарвозасининг ўрни ва минораси [буржининг] қолдиқларни кавлаб очилди. Бу дарвоза ташқарисидан ўтган катта кўча бўйлаб кейинги асрларда Миноран Калон, Масжиди Калон, Улуғбек, Мирараб ва Абдулазизхон мадрасалари ҳамда Тоқи Заргарон каби меъморий обидалар қад кўтарган.

Бухоро шаҳрининг барпо негизи бўлган учинчи қишлоқ Зарируд ўзанининг сўл қирғоғида жойлашган бўлиб, у ҳам алоҳида мудофаа девори билан ўраб олинган. Майдони 6—7 гектар. Бу ноҳияда сўнгги ўрта асрларда Бухоро қозикалонининг саройи ва маҳкамаси жойлашган бўлган. Қизифи шундаки, тадқиқ қилинган 18 метрли маданий қатламнинг 9 метри милоддан аввалги IV—I ҳамда милоднииг I—IV асрларида ҳосил

бўлган. Мазкур қатlamда қайд этилган турли хил ашёвий топилмалар юқори сифатли шаҳар ҳунармандчилиги маҳсулотининг қолдиқлари бўлиб, улар бу ерда қадимдан шаҳарнинг гавжум ҳунармандчилик маҳаллалари жойлашганидан гувоҳлик беради.

Хуллас, кунгирни археологик тадқиқотлар натижасида Зарафшон дарёси қуйи ўзанларидан бирининг соҳилида бир-бирига қарама-қаршин жойлашган учта алоҳида қишлоқ асосида Бухоро шаҳри барпо бўлгани аниқланди. Шаҳарнинг етти ерида амалга оширилган қазиш майдонларида кавлаб очилган маданият қатламларнинг остки қисмида қайд этилган ашёвий топилмалар милодгача бўлган IV аср охири ва III аср бошлирига мансуб бўлиб, Бухоронинг 2300 йиллик тарихга эга эканидан гувоҳлик беради. Бу, шубҳасиз, X аср муаррихи Муҳаммад Наршахий курсатган ҳар иккала санадан ҳам мутлақо фарқ қиласи.



Қадимиш сопол ҳайкалчалар.

Шундай қилиб, осори атиқалардан иборат фактик далиллар Бухоронинг археологик ёши 2300 йилга тенг эканлигини тасдиқлайди. Хўш, нима учун бу сана

асрларида, қуни қатламдан топилгани эса милодгача бўлган IV—III асрларда пахсадан барпо этилган. Бу майдонда маданий қатлам ҳосил бўлган қадимий рўйи заминнинг сатҳига қараганда, Бухоро арки остида қад кўтарган дастлабки қишлоқ Зарируд ўзанининг ўнг соҳилида жойлашган табиий дўнглик устида пайдо бўлган экан. Бу дўнглик теварак-атрофнинг умумий рельефидан 8—10 метр баланд бўлган. Майдони 1,5—2 гектардан ошмаган.

Археологик қазишлар натижасида кавлаб очилган тарихий манзара шуни кўрсатадики, Бухоронинг қадимги марказий қисми, Аркдан шарқроқда, дарё бўйида рельефи жиҳатдан аркка иисбатан анча-мунча пастроқ ерда жойлашган, майдони 12—13 гектарга teng бўлган. Мирабад мадрасасининг яқинида олиб борилган қазншмалар чогида 4,5 метр чуқурликда шаҳарнинг қадимги мудофаа девори қолдиқлари қайд этилди. Пахса ҳамда йирик ҳажмдаги хом гиштлардан уриб чиқилган бу қалъа девори 5—6 метр баландликда сақланган. Девор пойдевори остида қолиб кетган маданий қатлам ва унда қайд этилган археологик топилмалардан маълум бўлишнча, бу қадимги мудофаа иншооти милоднинг V—VI асрларида қад кўтарган. Асрлар давомида у бир неча бор таъмир этилган ҳамда қайта-қайта тикланган. Шу боисдан асрлар оша у қалинлашиб, илк ўрта асрларда унинг кенглиги 17 метрга етган. Бухоронинг бу қадимги девори ташқарисидан дарё соҳили бўйлаб кенг йўл утган. Миноран Калон ва Мирабад мадрасаси оралиғидаги майдон рўпарасида шаҳарнинг жанубий дарвозаси жойлашган бўлган. Бу дарвоза илк ўрта асрларда «Мадина дарвозаси» номи билан юритилган. Археологик қазишлар вақтида Мадина дарвозасининг ўрни ва минораси [буржи]нинг қолдиқларни кавлаб очилди. Бу дарвоза ташқарисидан ўтган катта кўча бўйлаб кейинги асрларда Миноран Калон, Масжиди Калон, Улуғбек, Мирабад ва Абдулазизхон мадрасалари ҳамда Тоқи Заргарон каби меъморий обидалар қад кўтарган.

Бухоро шаҳрининг барпо негизи бўлган учинчи қишлоқ Зарируд ўзанининг сўл қирғоғида жойлашган бўлиб, у ҳам алоҳида мудофаа девори билан ўраб олинган. Майдони 6—7 гектар. Бу ноҳияда сунгги ўрта асрларда Бухоро қозикалонининг саройи ва маҳкамаси жойлашган бўлган. Қизифи шундаки, тадқиқ қилинган 18 метрли маданий қатламнинг 9 метри милоддан аввалги IV—I ҳамда милоднинг I—IV асрларида ҳосил

бўлган. Мазкур қатламда қайд этилган турли хил ашёвий топилмалар юқори сифатли шаҳар ҳунармандчилиги маҳсулотининг қолдиқлари бўлиб, улар бу ерда қадимдан шаҳарнинг гавжум ҳунармандчилик маҳаллалари жойлашганидан гувоҳлик беради.

Хуллас, кўп йиллик археологик тадқиқотлар натижасида Зарафшон дарёси қўйи ўзанларидан бирининг соҳилида бир-бирига қарама-қарши жойлашган учта алоҳида қишлоқ асосида Бухоро шаҳри барпо бўлгани аниқланди. Шаҳарнинг етти ерида амалга оширилган қазиш майдоиларида кавлаб очилган маданий қатламларнинг остки қисмнда қайд этилган ашёвий топилмалар милодгача бўлган IV аср охири ва III аср бошлирига мансуб бўлиб, Бухоронинг 2300 йиллик тарихга эга эканидан гувоҳлик беради. Бу, шубҳасиз, X аср муаррихи Муҳаммад Наршахий кўрсатган ҳар иккала санадан ҳам мутлақо фарқ қиласди.



Қадимий сопол ҳайкалчалар.

Шундай қилиб, осори атиқалардан иборат фактик далиллар Бухоронинг археологик ёшин 2300 йилга teng эканлигини тасдиқлайди. Хуш, нима учун бу сана

2300 йилдан ортиқ ҳам, кам ҳам эмас, деган савол туғилади. Бу саволларга ҳам қатъий жавобни археологик тадқиқотлардан тұпланған осори атиқалар орқали тоғиш мүмкін. Агарда Бухоро воҳасиннинг бундан 3,5—3 минг йыл илгариги харитасы тасаввур қилинадиган булса, уша вақтда бу улкан ҳудудда бирорта шаҳар у ёқда турсин, ҳатто үтроқ деҳқончылық қишлоғининг харобасы ҳам күрінмаган. Бухородан 50—70 километр ғарб, шимоли-ғарбда—Зарафшоннинг қадимги қуриқ адой үзанлари бўйларида яшаган ярим кўчманчи подачилар ҳамда хонаки чорвадор ва деҳқон қабилаларининг юқорида тилга олинган ярим ертұла ва чайлашардан иборат тураржой қолдиқларигина сақланиб қолган, холос.

Урбанизациялашган деҳқончилик қишлоқлари даставвал воҳанинг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмларида—Конимек ва Вобкентдарённинг кўхна адойларидагина қад кутаради. Кейинги йилларда Бухоронинг Шаҳруд сугориш системаси билан обод этилган марказий қисмида олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, бу ноҳияда шаҳар маданиятига хос бўлган ёдгорликлар милоддан аввалги IV аср охири ва III асрда, дарё қуйи үзанлари бўйлаб қад кутариб, бу ер қизғин ўзлаштирила бошлаган. Шубҳасиз, Зарафшон дарёсининг қуий оқимида жойлашган бундай қадимги туқайзорга бўлган ҳужум тасодифий воқеа булмай, балки ўз даври сиёсий вазиятининг мушкуллашганилиги билан чамбарчас боғлиқ эди. Вазиятни эса, македониялик Искандар қўшинларининг Урта Осиё тупроғига бостириб кириши кескинлаштириб, мушкулотнинг ечилишини асосий сабабчисига айланган.

Маълумки, милоддан аввалги 329—327 йилларда Искандар Урта Осиёга юриш қилиб, Яксарт (Сирдарё)га кадар бўлган ҳудудни забт этади. Бу мамлакатда жаҳонгир гарчи Спитамен бошлиқ сүғд ҳамда шак-мас-сагет қабилаларининг кучли қаршилигинга учраб, анчагина талофат кўрган бўлса-да, аммо унинг қўшинлари Зарафшон водийси бўйларида шафқатсиз қиргинлар келтириди. Александр, халқ атамаси билан номланадиган Искандар Зулқарнайн — икки жаҳон мулкдори — Спитаменин қўлга тушириш мақсадида биргина қуий Зарафшон томон қилган юришида сүғларнинг қалъаларига ўт қўйиб, 120 мингдан ошиқроқ аҳолини қириб ташлади. Фикримизча, бу воқеадан сўнг, шак-шубҳасиз Самарқанд, Арбинжай (Қаттақўрғон), Дабусия, қадимги Кармана ва Қалқонота атрофларида яшаган сүғдий-

X-XI Apparatus used during experiment



ларнинг Искандар қиргинидан омон қолган тудалари, айтидан жон саклаш мақсадида қуйи Зарафшон, яъни ҳозирги Бухоро воҳаси томон кучиб, чакалакзор ва тӯқайлар қоплаб ётган бу серсув янги улкани ўзлаштиришга киришган. Натижада қисқа муддат ичида бутун воҳа бўйлаб сон-саноқсиз деҳқончилик қишлоқлари ва қалъалар қад кутарган. Бухоро эса, бу янги ноҳиянинг марказига айланган. Шунинг учун ~~ҳам~~ Бухоро воҳасининг уша даврдаги археологик манзараси, бадиий қилиб айтганда, худди очилаётган қуриқдаги гавжум ҳаётни эслатади. Шундай қилиб, Бухоро ёшини Зулқарнайн тенгдоши деб хисоблашга ҳар томонлама асос бор. Хуллас, Бухоро шаҳрининг барпо бўлиши биқиқ ҳолда содир бўлган тасодифий ҳол эмас, балки у бу улканинг ўзлаштирилиб, обод этилиши ҳамда воҳа бўйлаб шаҳар маданиятининг шаклланиб ривожланишининг тарихий босқичлари билан узвий боғлиқ булган улкан социал-иқтисодий ва маданий жараён натижаси эди. Бу жараён эса ўз даври сиёсий вазиятининг фавқулодда кучли таъсирида янада тезлашиб кетди.

БУХОРОНИНГ ҚАДИМГИ НОМЛАРИ

Кўхна Бухоро тўгриснда сўз юритилар экан, унинг қадимги номлари, этиологияси хусусида ҳам баъзи бир маълумотларни келтириб, уларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бухоронинг бурунги номларининг аксарияти бу ажойиб улканинг ё табиатига, ё иншоотига ёки ахолисининг ўтмиш эътиқодига монанддир. Чунки топонимлардан бирининг маъноси негизида шаҳар қад кутарган даврда Зарафшон ерлари табиатининг қадимий сифатлари яширинган бўлиб, Наршахийнинг бу вилоят тургисидаги тафсилотларига ҳамоҳанг бўлса, бошқасида улканинг ўзлаштирилиб обод этилишидаги тарихий манзара курнишлари маълум даражада ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Бухоро шаҳрининг қадимги номлари этиологиясини таҳлил қилиб, унда яширинган маънони аниқлаш улка ўтмишининг ҳам тарихий манзарасини тиклашда тадқиқотчилорга маълум даражада кумаклашади.

Бухоро шаҳри, у қад кутарган улка ва унинг қадимиий ҳукмдорлари тўғриснда қисқача бўлсада, аниқроқ маълумотлар илк ўрта аср Хитой манбаларида келтирилади. Уларда Бухоронинг ўндан ортиқ атамалари: Аи, Анси, Анго, Нюми, Бухо Буху, Бутэ, Бухаэр, Бухуаэр, Бухала, Фухо, Пухала ва бошқалар тилга олинади. Бу атамалар-

дан бир нечтаси, шубҳасиз Бухоронинг хитойча номлари бўлса, қолганлари ушбу номнинг хитойча турли хил талаффуз этилишидан келиб чиқкан сўзлардир. Қизиги шундаки, бу атамалар остида, одатда ҳам ҳокимият ёки ўлқа ҳамда шу ҳокимиятнинг пойтахти ҳисобланган марказий шаҳри тасвирланади. Масалан, Ани ёки Бухо ҳокимияти ишк урта асрларда Нюми ном билан машҳур булиб, унинг пойтахти ҳам шу ном билан юритилган⁴ Нюмидан 100 км (50 км) шимоли-шарқда Ани ва шунча масофада жануби-гарбда эса Би



X—XI асрларга мансуб фил суягидан ясалган нард тошлари.

(Пойканд) шаҳри жойлашган. Хукмдорлар қароргоҳи Аланми (Ромитан) шаҳрида бўлган. Бу давлатнинг гарбий чегараси Уху (Амударё) соҳилларига бориб тақалган. Вилоятда 40 та йирик шаҳар ва мингдан ортиқ майда истеҳкомлар булиб, бақувват ва довюрак йигитларгина чокар (аскар)ликка ёллаб олинган.


Нюми давлатининг пойтахти Сиваицзин (Самарканд)дан гарбда, Нами (Зарафшон) дарёсининг жанубида жойлашган. Шаҳар беш қатор девор ва оқар сувли хандақлар билан уралган. Сарой иморатларининг томлари эса текис қилиб ёпилган⁴.

Демак, Хитой манбаларида келтирилган маълумотларга қараганда, милодий V—VII асрларда Зарафшон

⁴ Малявин А. Г. Марказий Осиё давлатлари ҳақида Тан солномалари. Москва, 1989, 77—78-бетлар.

дарёси Нами деб юритилиб, унинг қуни қисмига жойлашган давлат эса Нюми деб аталган. Бу ҳокимиятнинг пойтахти ҳам Нюми номи билан юритилиб, у алоҳида алоҳида махсус мудофаа деворлари билан уралган бешта истеҳкомли қалъалардан иборат бўлган. Шахар яқинидан оқиб ўтган сув йўлларин хандақ вазифасини ўтаган. Илк ўрта асрлардаги Бухоро шаҳрининг бундай тарихий топографияси тафсилоти юқорида кузатилганидек археологик тадқиқотларда ҳам маълум дараҷада ўз тасдикини топди.

Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги алоҳида алоҳида жойлашган истеҳкомли иккни шаҳристон ва кўҳандиздан иборат илк ўрта асрга мансуб учта қалъа харобаларининг кавлаб очилиши бунинг ёрқин далилидир.



XI—XII асрларга мансуб созандачи аёллар тасвириланган кошинли сопол идиш бўлғи.

Ўрта асрниң арабнавис муаллифлари асарларида Бухоронинг бу машҳур номидан ташқари унинг Нуминжкат, Бумискат, Мадинат ус-суфрия, Мадинат ут-тужжор, Фохира каби қатор атамаларни келтирилади. Мұхаммад Наршахийнинг ёзишича, уша вақтларда Хурсон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик күп номга эга бўлмаган.

Үрта аср манбаларидаги келтирилган тафсилотларга қараганда, Бухоро ва Нумижкат аввалда бири иккинчисига яқин жойлашган икки алоҳида шаҳар бўлган. VIII асрда Муғанна қўзғолони даврида ҳам бу икки шаҳарнинг мустақиллиги таъкидланниб, ҳатто 775 йилда қўзғолончи — оқ кийимлекларнинг Нумижкатга бостириб кириб, уни ишғол этгани ҳақида ҳикоя қилинади. Сунг вақт ўтиши билан Бухоро ва Нумижкат майдонлари кенгайиб, улар бир-бирнга қўшилиб кетган.

Хўш, Бухоро шаҳрининг бу қадимий номларни қандай маъноларни англатади? Бухоро номлари этимологияси хусусида сўз юритилар экан, аввало шуни таъкидлаш керакки, арабнавис муаллифлар томонидан келтирилган номлар ўз маъноси жиҳатидан шаҳарни бино қилган туб аҳоли ҳамда четдан келган ажнабийлар томонидан берилган икки турдаги номлардир. Жумладан Бухоронинг «Мадинат ус-суфрия», «Мадинат ут-тужжор» ва «Фохира» каби атамалари араблар томонидан берилган номлар булиб, улардан биринчиси «Мис шаҳар», иккинчиси «Савдогарлар шаҳри», учинчиси эса «Фахрли шаҳар» деган маъноларни англатади.

Бухоро шаҳри қалъя деворлари мудофаа жиҳатдан ниҳоятда мустаҳкам қилиб қурилганлиги туфайли, у «мисдан қўйилган қўрғон» ёки «мисдан ясалган истеҳком»га рамзий қиёс қилиниб, уига «Мис шаҳар» маъносиннинг англатувчи «Мадинат ус-суфрия» атамаси берилган. Шуннингдек, Бухоронинг Яқин ва Үрта Шарқ мамлакатларини Хитой ва Ҳиндистон билан боғлаган машхур «Буюк ипак иули» устида жойлашгани, аҳолисининг кўпчилик қисми савдогарлардан булиб, бу карвон йўли орқали халқаро савдода фаол қатнашгани сабабли шаҳар «Мадинат ут-тужжор», яъни «Савдогарлар шаҳри» деган сифатларни билан ҳам шуҳрат топган. «Фохира» атамаси эса, Муҳаммад Наршахийнинг тафсилоти бўйича, уига ислом динининг барқарорлиги йўлидаги шаҳидлар шарофатига нисбат қилиб берилган атамадир.

Нумижкат, Бумискат ва Бухоро шаҳарга берилган маҳаллий атамалардан ҳисобланади. Бу номларнинг биринчиси аслида Навмичкат булиб, у учта форс-тожикча «нав» — янги, «мич» — қалъя, истеҳком ва «кат» — қишлоқ каби сўзлар бирикмасидан ташкил топган. У «Янги қалъя», «Янги қўрғон» ва «Янги истеҳкомли қишлоқ» маъноларини англатган. Хитой манбаларидаги келтирилган «Нюми» атамаси эса «навмич»

сўзидан олиниб, унинг хитойча талаффузидан келиб чиққан. Бу атама ҳам «Янги қалъа» маъносини англатади.

Навмичкат атамасида «янги» маъносини англатувчи «нав» сўзининг қушилиб ёзилишига қараганда, «Нумичкат ва Бумискат» шаҳар қалъаси қайта қурилгандан сўнг унга янгидан берилган сунгги номлар бўлиши мумкин. У вақтда шаҳар қалъасининг кўхна номлари ҳам бўлган булса керак. Бухоро урбанимларидан маълум бўлишича, шаҳар кўхна қалъаларидан бирининг номи «Фаровиз» деб юритилган. Бу атама Бухоро бўзчи ва косибларининг пири Бобоён Порадўз мақбараси ҳамда Шаҳруд каналнинг шохобчаларидан бири «Фаровиз ус-Суфло» номлари орқали бизгача етиб келган. Аслида кўхна қалъанинг номи «Фаробдиз» бўлиб, у сугдийча «Фароб» — сув бўйи ва «диз» — қалъа сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлиб, «сув ёки дарё бўйидаги қалъа» маъносини англатади.

Муҳаммад Наршахий шаҳарнинг турли хил атамаларини тилга олар экан «Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан ҳам машҳурроқдир» деб ёзади. Чунки бу ном билан ҳам ўлка, унда қад кутарган шаҳар шуҳрат топган.

Бухоро этимологиясини академик В. В. Бартольд санскритча «вихара», яъни «ибодатхона» сўзи билан боғлайди. Фикримизча, у сугдийча бўлиб «Бугоро», яъни «стангри жамоли» деган маънони англатади. Бундан талқин шубҳасиз, Наршахийнинг Бухоро воҳасининг қадимги табиити түгрисидаги тафсилотига ҳамоҳанг бўлиб, археологик қазишмалар вақтида кавлаб очилган осори атиқаларда ҳам ўз аксини топган.

Демак, Бухоро шаҳри қадимда Зарафшоннинг қўйи тармоғи Зарируд бўйида учта қалъа шаклида пайдо бўлган.

Бу қалъалардан энг қадимгиси Фаробдиз, иккинчиси Бухоро ва учинчиси Навмичкат номлари билан юритилган. Кейинчалик бу уч қалъа бир-бири билан қушилиб кетган.

Аҳолининг сони купайган сари шаҳар ҳам кенгайиб борган. Шаҳарнинг кейинчалик обод бўлган қисмининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида IX асрда Бухоро қадимги учта қисмини ҳам ўз ичига олган ягона ташқи девор ҳалқаси билан ураб олинган. Асрлар утиши билан шаҳар ҳудуди янада кенгайган. Унинг атрофида, шаҳар девори ташқарнсида янги маҳалла ва гузарлар қад кутарган. XV—XVI асрларда эса яна янги жой-

ларни ўраб ўтган учинчи ташқи девор ҳалқаси бино қилинган. Бу даврда шаҳарга 11-дарвозадан кирилгаш. Бу дарвозаларнинг бирни орқали Самарқандга, иккинчиси — Хоразмга, учинчиси — Хурросон ва Эронга; тұрттынчиси — Қарши ва Термизга томон йүл кетган булса, қолганлари Бухорони атрофдаги қишлоқ ва нохиялар билан бөлгелеган. Шаҳар ичидеги күчалар тор-танқис бўлиб, уйлари жуда зич жойлашган. Шаҳар 12 га маҳалла ва 220 та гузарга бўлинган. Ҳар бир маҳалланинг оқсоқоли, гузарда эса унинг пойкори — эллик-бошиси бўлган. Ҳар бир маҳалланинг алоҳида мозори бўлганин каби ҳар бир гузарнинг ҳам алоҳида мачити бўлган. Шаҳар юздан ортиқ ҳовузлар орқали сув билан таъминланган. Ҳовузлар шаҳарнинг магистраль канали — Шаҳруд ва унинг шоҳобчалари ҳамда кўплаб ер ости сув иншоотлари — тазарлар орқали ойда бир ёки иккى марта сувга тўлғазилган. Махсус сувчи — мешкоблар хонадонлар, айниқса арқдаги аснларнинг эҳтиёжи учун кун бўйи мешларда сув ташиганлар. Ёз ойларида кўпинча Шаҳрудда сув бўлмай, ҳовузлардаги сув янгиланмай, кўкариб айниб кетган. Бундай вақтларда ҳовузлар турли хил касалликлар (безгак, ришта ва ҳоказо) манбаига айланган. Шаҳарда 20 га яқин ҳаммом ва бирқанча усти ёпилган раста ва тимлар қишу ёз ишлаб турган. Турли даврларда қурғилган 200 га яқин мадрасаларда минглаб талабалар илм олган.

* * *

XБухоронинг асрий қиёфаси Совет даврида айниқсан ўзгарди. Шаҳар тўла электрлаштирилди ва газлаштирилди. Эски шаҳарнинг ёнгинасида кўп қаватли улкан микрорайон қад кутарди. Йирик саноат корхоналаридан Коракўл заводи, Зардузлик фабрикаси, Ип-газлама комбинати — ХБК ва бошқа кўпгина корхоналар қурилиб ишга туширилди. Советлар уйи, Маданият саройи, Бухоро меҳмонхонаси, Файзулла Хужаев номидаги Бухоро давлат педагогика институтининг бинолар комплекси каби кўплаб замонавий бинолар ҳозирги кунда шаҳар қиёфасига кўрк бериб турибди. Шаҳардаги уч олий ўқув юртида минглаб талабалар ўқимоқда. Унда марказий кутубхона, тарих ва ўлкашунослик музейи, драма театри, кўплаб кинотеатр ва клублар ишлаб турибди.

Бухоро кейинги йилларда қанчалик обод бўла бор-

тап сари тарихий обидаларнинг жозибаси тобора ошиб бормоқда. Чунки у узоқ утмишининг ноёб гувоҳи сифатида нодир архитектура ёдгорликларини ўз бағрида сақлаб келаётган тарихий шаҳардир. Исмоил Сомоний мақбараси (Х аср), Миноран Калон (XII аср), Чашмайи Аюб (XIII—XIV аср), Тоқи Заргарон, Тоқи телпакфурушон, Тоқи Саррафон ансамбллари (XVI аср), Арк (милоддан аввалги IV—III аср — XX аср боши), айниқса Лабиҳовуз майдонидаги меъморий обидалар комплекси (XVI—XVII аср) уз даврида Бухоронинг довругини жаҳонга таратгани. Шунинг учун ҳам улар ҳозирги кунда минглаб саёҳатчиларнинг дикқат-эътиборини жалб этмоқда. Бухоро мамлакатимизнинг асосий туристик шаҳарларидан бирига айланди. Бухоро шаҳридаги тарихий ёдгорликларни сақлаш ва уларни таъминир этиш ишига катта ахамият берилмоқда.

×

МУНДАРИЖА

Муқалдима	3
Амударёга қуйилгай қадимий Зарафшон	9
Күйи Зарафшон водийснда ибтидоий маданият излари.	12
Қаттатузконнинг неолит даври овчи ва балиқчилари. Дарво- зақирликлар чайласи.	14
Учтут кончилари ва сўнгги тош даври шахтаси.	18
Сармишсойнинг қадимий сувраткаш овчилари.	20
Замонибоболик бободеъқонлар маскани	22
Қоракўленинг ибтидоий чорвадорлари.	27
Кумработда қазиб очилган энг қадимги қишлоқ.	30
Қадимги Бухоро қачон қад кўтарди?	34
Бухоро ёши Зулқариайн тенгдоши.	38
Бухоронинг қадимги номлари.	46